



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий



ҚЎШНИНГ ТИНЧ – СЕН ТИНЧ

*Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси олий даражадаги
ялпи мажлисида сўзлаган нутқини ўқиб*

Мана, неча йиллардан бери қўшни Афғонистон юртида тинчлик-хогиржамлик йўқ. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ташқи кучлар таъсирида ушбу мамлакатдаги мавжуд тузум ўзгартирилгач, фуқаролар уруши бошланган эди. Жафокаш афғон халқи шундан буён осойишта ҳаёт нималигини билмайди.

Нотинчликлар, уруш, кўпоровчилик, қурол-яроғ ва гиёҳванд модда савдоси можаролари Афғонистон ўлкасидаги очлик, қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими, иқтисод ва маданиятнинг издан чиқиши каби долзарб муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қилиб келяпти.

Қуръони карим зулм, қотиллик, уруш, одамларни жабр-ситамга мубтало қилиш каби гуноҳ ишларнинг ҳаммасини улкан бузғунчилик деб баҳолайди. Бузғунчиларнинг жойи эса жаҳаннамдир: «**Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар борки, уларга Аллоҳнинг лаънати бўлур ва уларга энг ёмон диёр – жаҳаннам бор**» (Раъд, 25).

Халқимизда "Қўшнинг тинч – сен тинч" деган ибратли нақл бор. Мухтарам Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ватанимизга ёнма-ён жойлашган ушбу юртдаги тартибсизлик ва можароларга бефарқ бўлмадилар. Муаммони фақат тинч йўл билан ҳал этиш учун тезроқ ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақида жаҳоннинг мўтабабар минбарларидан туриб бир неча бор огоҳлантирдилар. Давлатимиз раҳбари 1999 йилдаёқ Оврупада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбул йиғилишида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон можаросига тортиб, бу ерда тинчлик ўрнатилмаса, нафақат минтақамиз, балки бутун дунёга жиддий хавф солиши мумкинлигини таъкидлаган эдилар. Ўшандан кўп ўтмай содир бўлган воқеалар Юртбошимиз тўғри огоҳлантирганларини тасдиқлади.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқларида ҳам жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақамиз учун ўта муҳим бошқа масалалар қатори яна Афғонистон

масаласига қаратдилар. Нутқ билан атрофлича танишар эканмиз, қўшни Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш бўйича киритилган таклифлар қардош афғон халқи тинчлиги ва фаровонлиги йўлида катта имкониятлар очиши мумкинлиги аён бўлади.

Чунки бу таклифлар қуруқ сўзлар эмас эди. Мамлакатимиз анчадан буён қардошларимизга иқтисод ва инсонпарварлик соҳасида катта амалий ёрдам бериб келяпти. Ўзбекистон қўшни афғон ўлкасида автомобил йўллари, темир йўллар, кўприклар қурыпти, озиқ-овқат ва қурилиш моллари, электр қуввати ва ёнилғи етказиб берапти.

Давлатимиз раҳбарининг афғон халқи моддий эҳтиёжларини қондириш баробарида аҳоли барча табақаларининг диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини қадрлаш, камсонли миллатлар манфаатларини ҳурматлаш ва қафолатлаш ҳақидаги фикрлари жуда ўринлидир. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўли сифатида Ўзбекистон раҳбариятининг 2008 йили илгари сурган БМТ шафелигида "6+3" мулоқот гуруҳи ташкил этиш ҳақидаги таклифни Юртбошимиз яна бир бор таъкидлаганлари мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсати изчиллик ва собитқадамлик асосига қурилганини исботлади.

Жафокаш ўлкага тезроқ тинчлик-осойишталик келиши барчамизнинг эзгу орзуйимиздир. Ҳеч шубҳа йўқ, мазкур маъруза юксак мақсад – Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга йўналтирилгандир.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидай: "Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлигининг қафолатидир. Афғон муаммосини фақат харбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги аён".

Аллоҳ таоло инсонларнинг тинчлик ва тотувликда яшашлари муҳимлигини таъкидлаб, буюради: «**Эй имон келтирганлар! Ёппасига итоатга (тинчликка) киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир**» (Бақара, 208).



ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ ИНСОН ЗИЙНАТИ

Абу Дардодан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: "Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): "(Қиёмат куни) тарозида гўзал хулқдан кўра оғирроқ келадиган нарса йўқ", дедилар" (*Абу Довуд, Имом Термизий*).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: "Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): "(Бандаларни) жаннатга энг кўп киргизадиган нарса Аллоҳга такво қилиш ва яхши хулқдир", дедилар" (*Имом Термизий*).

Шарҳ: Яхши хулқ эгалари билан суҳбатдош бўлиш, ёмон хулқ эгаларидан йироқ юришнинг фойдалари кўп. ...Гўзал хулқларга тақлид қилиш инсон табиатида бор. Кўпинча инсон узоқ саъй-ҳаракатлар қилиб, бир мақсадга эриша олмаганида устозининг насиҳати, даққиси, дуоси билан яхши натижаларни қўлга киритади. Ўзи қутула олмаган ёмон хулқлари офатидан устозининг танбеҳи туфайли тез муддатда халос бўлиши мумкин.

Чиройли хулқлар баъзи инсонларнинг табиати, фитратида ҳам бўлади. Баъзилар чиройли амаллар қилишга одатланиб қолишади. Баъзилар гўзал хулқ эгаларини кўриш, улардан ибратланиш орқали фазилат касб этишади. Ёмон хулқларнинг боши эса кибр ва манманликдир. Ким бу иллатлардан йироқ турса, бошқа маънавий офатлардан омонда бўлади. Яхши хулқларнинг боши тавозе, яъни, камтарлик ва Аллоҳ учун ниятни холис қилишдир. Ким Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ таоло унинг қадрини кўтаради ва нафс касалликларидан асрайди.

Яхши хулқ (эзгулик) сари интилмайдиган, зарарга рози бўладиган, ёмонликлардан ўзини четга олмайдиган кишининг ҳолига ачинасан киши.

Зафар Аҳмад Таҳонавийнинг
"Иъла ас-Сунан" асари асосида
Улуғбек МИРСОДИҚОВ
тайёрлади.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллох МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ХАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎҲАЕВ
Баҳоидир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
хамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Матнни

Раҳима КАРИМЖОН кизи билан Зебунисо
теришди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Заркайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 28 октябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2010 йил 1 ноябрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 36400 нусха.
1302-сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа
аксиядорлик компаниясида босилди.

Кўлэмалар қайтарилмайд.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ
қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»-
дан олингани кўрсатилиши шарт.



МУНДАРИЖА

Муносабат	
Усмонхон АЛИМОВ	
Кўшнинг тинч – сен тинч	1
Меҳмонларимиз	
Муфтий ҳузурда қабул	5
Швейцариядан келишди	5
Тилга эътибор.....	5
Баркамол авлод йили	
Розия ШОДИЕВА	
“Хадичаи Кубро” аёл-қизлар Ислому ўрта-махсуку билими юрти	6
Насихат	
Олимхон ИСАХОН ўғли	
Улуғ сафар одоблари	7
Долзарб мавзу	
Умидбек САЛАЕВ	
Тузоққа илинмайлик	8
Оила	
Холид ШАРИФ	
Севгининг ўзи етарли эмас	9
Мовароуннахр уламолари	
Дилмурод СОБИРОВ	
Хоразмлик муҳаддис	12
Мактубларда манзаралар	
Нурмуҳаммад ХАЙДАРОВ	
Бола бошидан... ..	13
Масала	
Бир савол сўрасам.....	13
Аёллар саҳифаси	
Ёмонга қарамаган... ..	14
Тўрт зарур эслатма	14
Аёл билан компютер	15
Оналик қувончлари	15
Тетиклининг саккиз қоидаси	15
Эътироф	
Обиддин ЭЛТОЕВ	
Меҳмонларнинг дил сўзлари	16
Тарбия	
Абдуқаҳҳор ДАДАБОЕВ	
Ота – улуғ мураббий	17
Тиббиёт бурчаги	
Абдуазиз САИДНУРИДДИН ўғли	
Ичмиздаги зарарқуналлар	18
Мактубларда манзаралар	
Чори МУҲАММАДНАЗАР	
Мунчоктепа чиройли кишлоқ	23
Шеърят	
Усмон АЗИМ	
Эрит юрагинда қолган музларни	24
Улкамизни ўрганамиз	
Пайгамбарлар номи билан боғлиқ жойлар	26
Адабий таҳлил	
Олим ОЛТИНБЕК	
“Ҳар мушқулиниг бўлғуси ҳал...”	27
Мунаввар олам	
Маҳмуд ХАСАНИЙ	
Обихаёт томчилари	28
Рангин туйғулар	
ФОТИМА	
Севмоқ учун	29
Муҳаммад СИДДИК	
«Аттанг ойи»	29
Умр довоғи	29
Маърифий сабоқлар	
Баҳоуддин Султон ВАЛАД	
Нафси жиловлаш улуғлик келтиради	30
Минтақа	
Интернетдан ким кўп фойдаланади?	32
ГУЛШАН	
Аямнинг ўтиги	32

Тафсир

ЯХШИЛИКЛАР ТИЛАГИ

4

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: "Салом Аллоҳ таолонинг исмларидан ва ерда айтиладиган сифатларидан биридир. Ораларингда саломни ёйинглар, агар киши салом берса, унга ўн савоб ёзилади. Бошқалар унга жавоб қайтаришса, уларга ҳам шунча савоб ёзилади".

Саҳобалар ҳаёти

Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

АБДУЛЛОҲ ИБН УМАР

Ибн Асокир Нофеъдан (розийаллоху анху) ривоят қилади: "Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоху анху) Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) ибодат қилган жойларини ахтариб, шунга эргашар эди. Расулulloҳ бир дарахт тагида дам олган эдилар. Ибн Умар ўша дарахт олдига тез-тез бориб турар ва қуриб қолмасин, деб остига сув қуйиб турар эди".

10

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

“Аҳмадия” адашган фирқа

Индонезия мусулмонлари ташкилоти – “Наҳдатул Уламо” мамлакат аҳлисини “Аҳмадия” оқимини хатарли фирқа, унга эргашувчиларни адашганлар деб огоҳлантирди. Ташкилот раҳбарлари таъкидлашича, бу оқим тарафдорларининг эътиқоди бузуқ.

21

Мерос

Улуғбек ДОЛИМОВ

ФИТРАТНИНГ АХЛОҚИЙ ФИКРАТИ

Фитрат тарбияни уч асосий йўналишга бўлади: бадан тарбияси; фикр (ақл) тарбияси; ахлоқ тарбияси. Унинг фикрича, фарзанд тарбияси асло шахсий иш эмас, балки ижтимоий иш, умумжамият ишидир.

22



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

وَإِذَا حَيَّيْتُمْ بِتَحِيَّةٍ فَحَيُّوا بِمَا حَيَّيْتُمْ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا

"Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки ўша (ибора)ни қайтаринглар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи зотдир" (Нусо, 86).

ЯХШИЛИКЛАР ТИЛАГИ

Бу оятда келган "تَحِيَّةٌ" "таҳият" сўзининг бир неча маъноси бор. Масалан: масжидга кирган киши ўқийдиган нафл намоз, Байтуллоҳни тавоф қилиш ва ҳоказо. Аммо таъвил аҳли "таҳият"дан мурод "салом" деб ижмо қилишган. Чунки оятнинг давомида: **"ўша (ибора)ни қайтаринглар"** деб буюрилмоқда. Агар бу ўринда "таҳият" бошқа маънода бўлсайди, оят давомида уни қайтариш ҳақида бундай амр келмас эди. Зеро, саломдан бошқа "таҳият" маъносидаги ишларга жавоб бериб бўлмайди. Баъзи кишилар саломга ҳам жавоб бермасликлари мумкин. Шу боис Аллоҳ таоло: **"ўша (ибора)ни қайтаринглар"** деб буюрмоқда. Бу амр эса "таҳият"дан мурод салом эканига далолат қилади. Яна бу маънога Қуръоннинг: **"Бас, қачон, уйларга кирсаларинг, бир-бирларингга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтинглар** (яъни, "Ассалому алайкум" денглар!)" (Нур, 61); **"Сабр қилиб ўтганларинг сабабли** (энди бу ерда) **сизларга тинчлик бўлгай"** (Раъд, 24), ояти карималари ҳам далилдир. Бу оятда фаришталарнинг мўминларга саломни зикр қилинган. Марям сураси 62-оятда эса: **"У жойда улар беҳуда сўз эшитмаслар, балки "салом"** (сўзини эшитурлар)", дейилади. Бу оятга кўра, жаннат аҳли орасида кўнгилини хира қиладиган, лағв сўзлар йўқ, фақат "таҳият", яъни, салом ва хурсандчилик сўзларигина бор.

Шунга асосланганда, **"Қачон сизларга бирор (саломлашиш ибораси) билан салом берилса..."** сўздан мурод саломлашиш экани англашилади. Аллоҳ таоло саломлашишни муслмонларнинг орасида белги ва шиор қилиб қўйган. Бу муборак сўз билан инсонлар бир-бирларига ёмонлик қилишдан Аллоҳ таоло паноҳ беришини тилашади.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Бир киши Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Испом-

да қайси амал яхши?" деб сўради. "Камбағалларга овқат улашинг, таниган ва танимаганга салом беришинг", деб айтдилар".

Насафий тафсирида айтилишича: жоҳилият даврида араблар бир-бирилари билан учрашишса, **"حَيْكُ اللّٰهِ"** "ҳайякаллоҳ", яъни, Аллоҳ умрингни узун қилсин, деб саломлашишаркан. Лекин Ислом дини келгач, буни "Ассалому алайкум"га алмаштирди.

Шубҳа аҳлидан бўлганлар салом беришмайди, салом берилса, алик ҳам олишмайди. Улар саломнинг маъносини ҳам салом ҳақидаги буйруқ тафсирини ҳам билишмайди. Чунки бу нарса уларнинг табиатида бор.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва саллам): "Жоним қўлида бўлган Зот номи билан қасам, мўмин бўлмагунларингча жаннатга киролмайсизлар, бир-бирларингга муҳаббатли бўлмагунларингча мўмин бўлолмайсизлар. Ўзаро муҳаббатли бўлишларинг учун сизларни бир ишга далолат қилайми? Ораларингда саломни ёйинглар", дедилар (*Имом Муслим*).

"Ас-салом" сўзи Аллоҳ таолонинг муборак исмларидан бири бўлиб, Аллоҳ таоло турли мушкулот ва балолардан омондир, У барча айблардан, жабр-зулмдан пок ва адолатлидир каби маъноларни билдиради.

Худ сураси 73-оятдаги **"...Аллоҳнинг раҳмати..."** муборак жумласи: ким нажотга эришса ҳам, ким саодат топса ҳам, Аллоҳнинг раҳмати билан бўлади, деган маънодадир. Ушбу оят давомида келган **"...ва баракоти"** жумласи, барча яхшиликларга Аллоҳнинг баракоти билан эришилади, демақдир. Ҳар бир савобли ишда барака бор. Аллоҳ таоло мўминнинг намоздан чиқишини ҳам "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ"га, яъни, саломга боғлагани бежиз эмас (*Табароний, "Қабир", 6114*).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Салом Аллоҳ таоло-





нинг исмларидан ва ерда айтиладиган сифатларидан биридир. Ораларингда саломни ёйинглар, агар киши салом берса, унга ўн савоб ёзилади. Бошқалар унга жавоб қайтаришса, уларга ҳам шунча савоб ёзилади".

Ривоят қилинишича: Расулulloҳга (солаллоҳу алайҳи ва саллам) бир киши "Ассалому алайкум" деди, Пайғамбар (солаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ўн", дедилар (яъни, ўн та савоб). Яна бошқа киши: "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ" деди, Пайғамбар (солаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: "Йигирма", дедилар. Бошқа бир киши: "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух" деди, Пайғамбар (солаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ўттиз", дедилар.

Пайғамбардан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинади: "Улов устидаги пиёдага, юриб кетаётган бир жойда тик турганга, турган ўтирганга, кичик каттага салом беради" (*Байҳақий "Имом шўьбалари", 8867*).

Абу Лайс Самарқандий бундай ёзган: "Қатода (розийаллоҳу анҳу) дейди: "Набий (солаллоҳу алайҳи ва саллам) "Ассалому алайкум" (яъни, сенга тинчлик тиламан) деб, саломни ёки жавобни чала айтишдан қайтардилар. Балки "Ассалому алайкум" деб тўлиқ айтсин" дедилар". Чунки мўминлар билан бирга фаришталар ҳам бор. Ушбу оят салом суннат, унга жавоб қайтариш вожиб эканига далилдир, чунки Аллоҳ таоло саломга жавоб қайтаришни буюрди.

Абу Мансур Мотуридийнинг "Таъвилот аҳл ас-сунна", Абу Лайс Самарқандийнинг "Тафсийру баҳрул улум", Абул Баракот Насафийнинг "Тафсийру ан-Насафий" тафсирлари асосида Тошкент Ислам университети магистранти

Бадриддин РАҲИМОВ
тайёрлади.

МУФТИЙ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Шу йил 10 октябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талёб Рифоий "Ўзбектуризм" компанияси раиси Рустам Мирзаев ҳамроҳлигида "Ҳазрати Имом" мажмуасига ташриф буюрди. Талёб Рифоий "Ҳазрати Усмон Мусҳафи" музейи ва Бароқхон мадрасасида бўлди. Сўнг меҳмонни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов қабул қилдилар.



Муфтий ҳазратлари меҳмонни ташриф билан қутлаб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарихи, фаолияти ҳамда республикамиз мусулмонларига истиқлолдан кейин яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот бердилар.

Меҳмон ҳам Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларига боргани, шунингдек, БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ишлари ҳақида гапирди.

ШВЕЙЦАРИЯДАН КЕЛИШДИ

Шу йилнинг 13 октябр куни Швейцария парламентининг ташқи алоқалар бўйича комиссияси раҳбари Эжен Давид бошлиқ меҳмонлар Олий Мажлис Сенати халқаро алоқалар бўлими мудири Адҳам Расулов йўлдошлигида "Ҳазрати Имом" мажмуасига келишди. Меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов кутиб олди. Швейцариялик меҳмонлар "Ҳазрати Имом" жоме масжидида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлишди, Имом Каффол Шоший мақбарасини, Мўйи муборак мадрасасида сақланаётган Ҳазрати Усмон Мусҳафини зиёрат қилишди. Идора кутубхонаси мудири Обиддин Элтоев меҳмонларга Мусҳаф ва бошқа нодир қўлёзмалар ҳақида маълумот берди.

Илёсхон АҲМЕДОВ,
халқаро алоқалар бўлими ходими

ТИЛГА ЭЪТИБОР

Октябр ойининг йигирма биринчи куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг йигирма бир йиллигига бағишлаб, талабаларнинг "Мовароуннаҳр" нашриёти бош директори Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон, "Хидоят" журнали бош муҳаррири ўринбосари Абду Жалил Хўжам билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлими мудири Жалолиддин Нуриддинов, институт ректори Хайдархон Йўлдошхўжаев иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида она тилимизга берилган эътибор тўғрисида сўзлашди, она тилини севишга, пухта ўрганишга чақиритишди ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Ибодулла АҲРОР

"ХАДИЧАИ КУБРО" АЁЛ-ҚИЗЛАР ИСЛОМ ЎРТА-МАХСУС БИЛИМ ЮРТИ



1993 йили Тошкент шаҳрида хотин-қизлар мадрасаси ташкил этилди. Ўша кезлар Қўқалдош Ислom ўрта-махсус билим юрти аёллар бўлимини бошқарган Малика Нурмухаммедова мадраса мудираси этиб тайинланди. Малика опа қарийб ўн беш йил мадраса равнақи учун хизмат қилди. Кейинроқ мадраса "Хадичаи Кубро" номини олди. 2001 йили илм масканига "Ислom ўрта-махсус билим юрти" мақоми берилди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислom институтини битирган мударрисалар мадрасада дарс бера бошладди.



Билим юрти 2010 йили Тошкент шаҳри Ўрикзор даҳасидаги замонавий таъмирланган бинога кўчди. Бу кўчиш талабаларга "Баркамол авлод йили"да яхши совға бўлди. Икки қаватли ушбу бинонинг кенг ва ёруғ хоналарида ёшларга барча қулайликлар

яр яратилган. Хар бир босқич талабаларига ажратилган хона алоҳида фанга – биринчи босқич талабалари хонаси тафсир ва ҳадис, иккинчи босқич талабалари хонаси Ислom дини тарихи, учинчи босқич талабалари хонаси фикҳ, тўртинчи босқич талабалари хонаси араб тили машғулотларига мослаштирилган.

Мадрасада Қуръони карим, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, сарф, наҳв, мутолаа каби илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жуғрофия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, хат-тотлик ва бошқа фанлар ҳам ўқитилади. Ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат, компютер хоналари талабаларнинг билим-малакаларини оширишга хизмат қиляпти. Кутубхонамизда саккиз мингга яқин дарслик, икки минг уч юздан ортиқ бадиий ва илмий-оммабоп китоб бор.

Ҳозир билим юртимизда ўнлаб талабалар илм олишяп-

ти. Уларга йигирмага яқин олий маълумотли устоз-мурабий таълим-тарбия беради. Иқбол Исмоилова, Муҳаббат Ваҳобова, Санобар Саидахмедова, Мавжуда Абдуллаева, Нозима Иброҳимова ва бошқалар тажрибали мударрисаларимиздан. Талаба қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мақсадида турли фанлардан тўғарақлар ташкил этилган. Шунингдек, талабаларга бичиш-тикиш, пазандалик, зардўзлик каби касб-хунарларидан ҳам сабоқ берилади.

Билим юрти устозларининг асосий мақсади имон-этиқо-ди соғлом, маънавий меросимизни, кадриятларимизни ар-



докловчи, ёшларни динимизга ёт, бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя эта оладиган, чуқур билим эгаллаб, халқимиз, Ватанимиз ривожини йўлида миннатсиз хизмат қилувчи му-тахассисларни тайёрлашдир.

Розия ШОДИЕВА,
билим юрти мудираси



ГЎЗАЛ ИБРАТ НАМУНАСИ

Билим юртимизга Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) завжаи муҳтарамалари Хадичаи Кубро номи берилган. Тарихдан маълум, ҳазрати Хадича онамиз аёллардан Ислом динини биринчи бўлиб қабул қилганлар. Имон-эътиқодда, вафо ва садоқатда гўзал ибрат намунаси бўлганлар. Хадичаи Кубро Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) Куръоннинг илк оятлари туша бошлаган кунлардан бошлаб катта кўмак ва далда берганлар. Мадрасада таълим олган ҳар бир талаба Хадича онамиз каби оқила аёл бўлишга ҳаракат қилади.

Зиёда ҚОСИМОВА,
4-курс талабаси



ҒАЗАЛЛАРНИ СЕВИБ ЎҚИЙМАН

Мумтоз асарлар, айниқса, шоирларимиз Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Нозима хоним, Ожиза ғазалларини севиб ўқийман. "Ҳидоят" журнали саҳифаларида ҳам ғазаллар кўпроқ чоп этилишини истардим. Ўзим ҳам бўш вақтларимда шеърлар машқ қиламан. Машқларимга сайқал беришда устозларим маслаҳатларини аяшмайди.

Дилобар АБДУҒАФФОРОВА,
2-курс талабаси

Аллоҳ таоло қодир кишиларга умрида бир марта ҳажни адо этишни фарз қилган. Бошқа ибодатлар сингари ҳаж ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таълимотларига мувофиқ адо этилиши керак.

Ҳаж Яратганнинг розилиги учун, риё ва гуноҳлардан холи, саҳийлик ҳамда чиройли хулқ ва ихлос билан амалга оширилса, "ҳажжи мабрур" дейилади. Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинишича: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): "Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир..." деганлар.

УЛУҒ САФАР ОДОБЛАРИ

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаж пайти гуноҳлар ва фасод ишлардан тийилиб, ҳаж амалларини тўқис адо қилган кишининг онадан қайта туғилгандек пок бўлишини айтганлар.

Ҳажни ният қилган юртдошларимиз сафар одобларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ:

1. Ҳожи сафар ҳаражатларини ҳалол йўлда топган бўлиши, Аллоҳ таоло розилигини ният қилиши, риё, ном чиқариш каби иллатлардан узоқ бўлиши керак.

2. Ҳаж ва умранинг фарз, вожиб, суннатларини, улар қандай бажарилишини яхши билиб олиши керак.

3. Сафар олдидан васият, қарз олди-бердиси ва омонатларини ёзиб қолдириши мустаҳабдир.

4. Гуноҳларига чинакам тавба-тазарру қилиши зарур.

5. Кишиларнинг унда ҳақлари бўлса, эгаларига қайтариши, бошқаларга ҳақсизлик қилган бўлса, кечирим сўраши лозим.

6. Чақимчилик, гийбат, билмаган нарсасини гапириш, атрофдагиларга кўполлик қилиш, ҳаж ва умрани адо этаётганларни қийин аҳволга солиб қўйиш кабилардан сақланиши шарт, раҳм-шафқатли, меҳрибон, сабрли ва яхши муомалали бўлиши керак.



7. Ҳаж зиёратига отланган кишилар зиммаларидаги фарз, вожиб, суннат амалларни жамоат билан вақтида адо этишга ғайрат қилишсин. Куръон тиловати, зикр, истиғфорлар айтиш, ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш кабилар мақтовга лойиқ ишлардан.

8. Сафар давомида солиҳ ва билимдон кишиларга йўлдош бўлиши, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тавсия қилган дуоларни ёдлаб олиши мустаҳабдир.

Олимхон ИСАХОН ўғли,
Имом Бухорий халқаро маркази
ходими

ТУЗОҚҚА ИЛИНМАЙЛИК

Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани "Ҳазрати Иморат бобо" жоме масжиди
имом-хатиби Умидбек Салаев билан суҳбат

— *XX аср охири XXI аср бошлари бутун дунё мамлакатларида миссионерлик ҳаракатининг авж олиши даври бўлди, десак янглишмаймиз. Миссионерлик ғоялари маълум бир гуруҳ инсонларнинг онгу шуурини заҳарлабгина қолмай, балки бутун миллатларни ҳам дини, эътиқодидан адаштириб, парчалаб ташлайди. Домла, суҳбатимизни шу мавзудан бошласак.*

— Туманимиз қўшни давлатларга чегарадош, чекка худудларидандир. Бу ҳолат масжидларимиз имомларига катта масъулият юклайди, миссионерлар, динимизга ёт турли оқимлардан янада ҳушёр бўлишни талаб этади. Имомларимиз маърузалар таъсирчанлигини оширишлари ва кўпроқ тер тўкиб ишлашлари керак. Маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳоли орасида тез-тез очиқ мулоқотлар ўтказиб туришлари зарур.

Мен миссионерларни илк бор 1996 йили учратганман. Ўшанда Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат институти талабаси эдим. Бир куни ижара хонамиз эшиги тақиллади. Эшикни очсак, кўлида Инжил туган, узун кўйлакли ўттиз ёшлардаги бир йигит турарди. Саломлашганидан кейин: "Сиз эътиқодингиз тўғрилигига ишонасизми?" деб савол берди. "Ҳа" деган жавоб олгач, ичкари киришга рухсат сўради. Нималар дейишини билмоқчи бўлиб, хонага киритдик. У биз билан Ислом аҳкомлари ҳақида баҳслаша бошлади. Очиғи, ўшанда бил-



лимимиз намоз ва рўзадан нари ўтмасди. Шундай бўлса-да, унга муносиб жавоб қайтаришга уриндик. Ўзини тутиши ва фикрини бизга сингдиришга чиранишидан, йигитнинг махсус тайёргарликдан ўтгани сезилиб турарди. Бора-бора унинг гаплари ғашимизга тега бошлади. Шу боис унинг чиқиб кетишини талаб қилдик. Йигит хонамиздан чиқиб, иккинчи қаватга кўтарилди. Бир оздан кейин йўлакдан қўшни аёлнинг ўрисчалаб:

"Шармандалик, насроний бўлсак, яна бизни насронийликка даъват қилади, нима, ақдан озганми бу?" дегани эшитилди. Ўшанда мени бир нарса ўйлантирди. Насронийликка эътиқод қиладиган оилага яна ўша динни ташвиқ қилишидан мақсади нима? Шундан кейин миссионерлик тўғрисида кўпроқ тушунчага эга бўлишга, улар дуч келганида қандай йўл тутиш кераклигини ўрганишга ҳаркат қилдим. Бу ишни "Фахриддин ар-Розий" Ислом ўрта-махсус билим юртида ўқиган йўлларим ундан кейин ҳам давом эттирдим.

Ўша йиллардаги миссионерлар билан ҳозиргиларининг иш услубларида анча фарқ бор. Улар олдин анча эркин иш қўришарди, динимизни очикчасига танқид қилишарди. Ҳозир эса анча эҳтиёткор бўлиб қолишган. Одамларни ўзларига жалб қилишнинг янги-янги усулларини ўйлаб топишяпти. Инсонларга таъсир ўтказиш учун улар орасидан югурдаклар (прозелитизм) тайёрлашмоқда. Уларни маблағ билан таъминлаб, махсус ўқув курсларида ўқитишяпти.

— *Миссионерлар бир пайтлар юртимизга хайрия ташкилотлари сифатида келишиб, ҳар хил ўқув марказлари ташкил қилишган. Демократия нуқоби остида ногиронларга, дардмандларга "беғараз" ёрдамларини таклиф этишган, болалар учун дам олиш масканлари очишган. Лекин давлатимиз сабъ-ҳаракатлари билан бу каби ғаламислик ишларига чек қўйилди. Аммо уларнинг фаолияти бутунлай тугатилди, деса бўладими?*

— Албатта, йўқ, чунки улар ҳали ҳам бизга қўшни айрим мамлакатларда бемалол фаолият юришяпти. Қолаверса, миссионерлар ўзлари "қувилган" ерлардан осонликча кўнгил узишмайди. Бугун улар турли бузғунчи ғояларини тарғиб қилувчи китоблар, рисоаларни ўзбек тилига таржима қилиб, чегараларимиздан олиб ўтишга уринишмоқда. Бундай китоблар мусулмонларни йўлдан уришга мўлжалланган. Улар жуда устамонлик билан ёзилган, Ислом ақидаларидан хабарсиз содда кишилар уни ўқишса, адашиб кетиши мумкин. Китоб номи, сўзбоши ўқувчи руҳиятига катта таъсир ўтказиши мумкин. Айрим китобларнинг биринчи бўлимида Ислом дини асослари тушунтирилган, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий келиши, динимиз арконлари ҳақида ёзилган. Иккинчи қисмида эса буларга асоссиз "раддиялар" тўкиб ташланган. Куръон оятлари атай чалкаштириб, маъно-





лари бузиб тушунтирилган, бунтунлай тескари шарҳланган. Куръони каримдан, диний аҳкомлардан, Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаётлари ва сийратларидан, оятларнинг тушиш сабабларидан хабарсиз киши эътиқодида бу китобни ўқиганидан кейин иккила-ниш пайдо бўлиши турган гап. Бошқа китобларида эса ўзга дин вакиллари қандай йўлдан оғдириш, уларни ўз сафларига қўшиб олиш учун қайси усуллардан фойдаланиш кераклиги ёзилган. Масалан, Ислом дини ҳақида маълумот бериб, охирида: "Мусулмонларни ўз томонингизга оғдириш жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Майли, сизга эргашганидан кейин ҳам ўзининг диний амалларини қила-версин. Аста-секинлик билан уларни тарк қилдириш чораларини кўринг. Мусулмонларни жамоат ҳолида эмас, якка тарзда оғдириш мақсадга мувофиқдир", дея тавсия берилади. Шу ўринда Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) жамоатга катта аҳамият берганларининг ҳикмати-ни тушуниш мумкин. Абу Дардодан (розийаллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда, Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Жамоатни лозим тут. Айрилганни бўри ер", деб марҳамат қилганлар. Юқорида айтиб ўтилган китобларнинг муқоваси чиройли, саҳифалари энг олий сифатли қоғоздан роса зеб бериб чоп этилган. Бундан эса миссионерлар ортида ҳомийлар тургани маълум бўлади.

– *Чет элга ишлашга бориб, миссионерларнинг тузоғига тушиб қолган бир одамни биламан. Уни бу йўлдан қайтариш қариндош-уруғларига осон бўлмади. Онги шунчалар заҳарланган, ҳатто ота-онасидан воз кечишга ҳам тайёр эди. Сизнингча, миссионерлар ўлжасига айланган бу сингари киши-ларнинг кўзини очиш учун қандай чоралар кўрган маъқул?*

– Тан олиш керак, уларни бу йўлдан қайтариш оғир кечади. Уларга насронийлар Исо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг пайғамбари экани ҳақидаги оят ва ҳадисларни келтириш кўпинча фойда бермайди. Чунки миссионерлар Куръон ва ҳадисни тан олишмайди. Шунинг учун уларга Инжилнинг ўзидан мисол келтириш керак бўлади. Лекин муаммонинг энг яхши ечими унинг олдини олишдир. Бунинг учун ҳар бир инсон ишни оиласидан бошлаши зарур. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) Ибн Умардан (розийаллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда айтадилар: "Ҳар бир раҳбар ўз қўли остидагиларга, ҳар бир одам ўз оиласига, ҳар бир аёл ўз уйига ва болаларига масъулдир". Яъни, барчамиз фарзандларимизга ҳақноҳақни ажратишни ўргатишимиз, соф диний эътиқодни тушунтиришимиз керак.

Муҳаммад СИДИҚ
суҳбатлашди.

СЕВГИНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Баъзи йигит-қизлар бахтли яшашга севгининг ўзи етарли деб билишади. Аслида, эса бахтнинг устуни меҳнат, айрилмас хусусияти сабрдир. Чунки оила чиройли гулзордай гап, гулзор эса тиконсиз бўлмайди. Ҳаёт синовларидан эсон-омон ўтиб олишга сабр, бир-бирова эътибор керак. Бошқаларга кўрсатган сабр ва ҳурматни умр йўлдошимиздан дариф тутарканмиз, демак, севги ҳақида пуч даъво қилибмиз.

Телефонда: "Ҳеч кириб ўтмайсан, бизларни унутиб юбординг", дея ўпкалаган заргар ўртоғимни йўқлаб бордим. Ичкари кирганимда у харидор билан савдолашар эди. "Газит ўқиб тураман, ишингни битир, кейин суҳбатлашамиз", дедим. Анча пайт ўтса ҳам ҳалиги харидор бир қарорга келмасди. Эллик ёшлардаги эркак, ёнидаги қизи ёки келини бўлса керак, билакузукми ё тилла занжирми олмақчи. "Манави қандай ишланган?"; "Бир ҳафтадан кейин қайтариб келсам, оласизми?"; "Бунисини насияга берасизми?"; "Йўқ, унинг марвариди кам экан"; "Наригисининг янаям қ алинроғидан борми?"; "Шунисини тортиб кўринг-чи, оғирлиги қанчайкин?" каби саволларни қалаштирарди. Заргар ўртоғим табассум билан эринмай жавоб қилар, сўраганини кўрсатиб, чарчамас эди. Харидор охири: "Яна бир ўйлаб кўрай-чи", дея ҳеч нарса олмай чиқиб кетди. Ўртоғимнинг сабрига қойил қолдим. Бир чеккада ўтириб, менинг жаҳлим чиқди, у ширин сўз билан кузатиб қўйди. "Оила аҳлингга ҳам шундай сабрлимисан?" деб сўрадим.

Айримларимиз бошқаларга қилган сабр-тоқатимизни яқинларимизга қилмаймиз. Айниқса, жон йўлдошимиз, иссиқ-совуғимиздан доим хабардор, болаларимизни оқ ювиб-оқ тараган, уйимиз, мулкимиз кўрувчиси – хотинимиздан бундай илтифотни бироз қизганимиз ёки ғурур сабаб юзага чиқармаймиз. Уни қадрлашимизни сўзлаймиз-у, аммо кўнглини синдириб қўямиз. Кўнглини эшитишга, дардини тушунишга кам уринамиз. Нега бундай қиламиз?

Аёллар ҳам эрталаб ишга отланган эрларни чиройли кузатишиб, кечкурун қайтганида ҳам тоза ва кўркам ҳолда қаршилашса, қанчалар гўзал. Оила дастурхонига ширин овқатлар пишириб, яқинларидан мақтов эшитиш аёлга завқ-шавқ беради. Аммо баъзилар майда кўринса ҳам, таъсири катта бундай яхшиликларга эътиборсиз бўлишади.

Холид ШАРИФ,
Китоб тумани

АБДУЛЛОҲ ИБН УМАР

А

бу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) улуғ саҳобий, Ҳазрати Умар ибн Хаттобнинг (розийаллоҳу анҳу) ўғлидир. Маккада туғилган. Абдуллоҳ кейинчалик улуғ мужтаҳид олим бўлиб етишди, Ҳижоз фикҳининг тамал тошини қўйди ва олтмиш йил фатво берди. Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) 2630 та ҳадис ривоят қилиб, бу борада фақат Абу Хурайрадан (розийаллоҳу анҳу) кейин туради. Умри охирида кўзи ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 73 (милодий 692) йили саксон тўрт ёшида Маккада вафот этган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар бўлганларининг учинчи йили эди. Макканинг кўзга кўринган ашрафларидан Умар ибн Хаттобнинг хотини Зайнаб бинти Маъзун ўғил кўрди. Зайнаб Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмиқдош акалари, машҳур саҳобий Усмон ибн Маъзуннинг (розийаллоҳу анҳу) синглиси эди. Эр-хотин фарзандларига "Абдуллоҳ" деб исм қўйишди.

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) ҳар ишда Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашиши, Аллоҳ таолодан кўрқиши билан ажралиб турарди. Отаси Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) раҳбар бўлган йиллар Абдуллоҳ учун энг яхши сифатларни сайқаллаш даври бўлди. Чунки Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) фарзандларига жуда талабчан эди.

Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Абдуллоҳ овқатланаётганида Ҳазрати Умар кириб қолди. Абдуллоҳ отасига жой бўшатди. У "Бисмиллаҳ", деб овқатдан бир лўкма еди-да, яна бир лўкма олатуриб: "Таом ёғли бўлибдими, аммо ёғи гўштнинг ёғига ўхшамайди?" деб сўради. Абдуллоҳ: "Бозорга чиқиб, семизроқ гўштан олмоқчи бўлган эдим, қиммат экан. Бир дирҳамга озгинидан олдим. Яна бир дирҳамга ёғ сотиб олиб қўшдим", деди. "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бу иккиси бўлса, бирини еб, иккинчисини садақа қилар эдилар", деди Ҳазрати Умар. "Бу гал еяверинг, бундан кейин гўшт ва ёғ жам бўлиб қолса, албатта, мен ҳам шундай қиламан", деди Абдуллоҳ".

Ушбу сабоқдан Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) ҳар бир киши мусулмонлар оммасидан ўзини устун тутмаслиги, керагидан ортиқча нарсани мухтожларга бериши ва доимо Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашиши зарурлигини англаб етди.

Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу) даврларида ўзидан катта ва салоҳиятли саҳобалар кўп бўлишига қарамай, Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) илм ва мартаба борасида салмоқли ўрин топган эди. Шунинг учун ҳам Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) у кишига бош қози бўлишни таклиф қилди. Имом Табароний Абдуллоҳ ибн Мавҳибдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Усмон Абдуллоҳ ибн Умарга (розийаллоҳу анҳу): "Бориб одамлар





ўртасида қозилик қил", деди. "Мени афв этсангиз, буни қилолмайман", деди у. "Йўқ! Мен қатъий қарорга келдим, қози бўлишинг керак. Нима бунга тўсқинлик қиялпти, ахир отанг қозилик қиларди-ку?!" деди Усмон. "Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким қози бўлсаю, жоҳиллик ила ҳукм чиқарса, дўзах аҳлидан бўлади... деганларини эшитганман", деди Абдуллоҳ".

Ибн Саъд Амр ибн Динордан ривоят қилади: "Ибн Умар катта фақиҳлардан ҳисобланар эди. У Аллоҳ таолонинг Китобини ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларини жуда яхши билар эди. Шу билан бирга, билмаган нарсаларини дарҳол тан олар ва ўрнида "билмайман", дейиш билан фахрланар эди.

Бир куни бир одам келиб, Абдуллоҳ ибн Умарга (розийаллоҳу анҳу) савол берди. У "билмайман", деб жавоб берди. Сўровчи орқасига қайтиб кетди. Абдуллоҳ ибн Умар шунда дарҳол қўлларини бир-бирига ишқаб, хурсанд ҳолда бундай деди: "Абдуллоҳ ибн Умардан билмайдиган нарсаси сўралган эди, у "билмайман!", деди".

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) ҳурматлари юксак бўлгани боис у зотнинг каттаю кичик барча ишларига чин дилдан эргашар эди. Имом Баззор ривоят қилади: "Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) кундузи Макка билан Мадина орасидаги бир дарахт олдига келиб, остида ухлар, кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилганлари хабарини берар эди".

Ибн Асокир Нофеъдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тоат-ибодат қилган жойларини кузатиб, шунга эргашар эди. Расулulloҳ бир дарахт тагида дам олган эдилар. Ибн Умар ўша дарахт олдига тез-тез бориб турар ва қуриб қолмасин, деб остига сув куйиб турар эди".

Абдуллоҳ ибн Умарга (розийаллоҳу анҳу) Аллоҳ таоло кўп мол-дунё ато қилди. У омонатдор ва иши юришган савдогарлардан бўлди. У мол-дунё изидан юрмас, аксинча, мол-дунё Абдуллоҳнинг измида эди. Абдуллоҳ ибн Умар том маънодаги зоҳид эди. Имкони бўлатуриб, дунёнинг ҳою ҳавасига қизиқмас, овқатини мискин ва етимлар билан баҳам кўрарди.

Хасандан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Ибн Умар тушлик ёки кечки овқат қилсалар, атрофларига етимларни тўплаб олар эдилар. Бир куни тушлик қилаётиб, бир етимга одам юборсалар, у жойида йўқ экан. Ибн Умарнинг таомдан сўнг ичадиган ширин ичимлиги бўлар эди. У тушликни тамомлаб, ўша ичимликни ичмоқчи бўлиб турган

эди, ҳалиги етим келиб қолди. Ибн Умар ичимликни унга бериб: "Ол буни, менимча, зарар кўрмадинг (овқатсиз қолмадинг)", дедилар.

Маймун ибн Михрондан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Одамлар Абдуллоҳ ибн Умарнинг хотинига: "Эрингни асрасанг бўлмайдими?!" дейишди. "Нима қилай, ахир, қачон унга емак тайёрласак, албатта, кимнидир олиб келиб, едиради", деди. Сўнгра аёл Ибн Умар масжиддан чиққанида йўлида ўтирадиган мискинларга овқат юборди ва: "Унинг йўлида ўтирманлар, агар чақирса ҳам келманлар", деб тайинлади. Абдуллоҳ уйга келгач: "Фалончи, фалончиларни чақириб келинлар", деди. Аммо аёли тайинлагани учун мискинлар келишмади. Шунда Абдуллоҳ: "Бу кеча овқатланмаслигимни хоҳлабсизлар", деди ва ҳеч нарсга емади".

Абу Нуъайм "Ҳулятул авлиё" китобида Саъид ибн Абу Ҳилолдан ривоят қилади: "Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) Жухфага келиб тушди. У касал эди, "балиқ егим келялпти", деди. Зўрға бир дона балиқ топиб келишди. Хотини Сафия бинти Абу Убайда уни пишириб, олдига қўйди. Худди шу пайт бир мискин келиб, дастурхон олдида тўхтади. Ибн Умар унга: "Буни сен ол", деди. Оила аъзолари унга: "Субҳоналлоҳ! Ахир шу балиқни топгунча қанча қийналдик! Мискинга бошқа овқат берамиз", дейишди. "Абдуллоҳ ўзининг айтгани бўлишини хоҳлайди", деди у".

"Тарихи Абу Сирож"да Суддийдан қуйидаги ривоят келган: "Кўпгина саҳобалар билан кўришганимда улар: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин ўзгармай қолган биргина одам Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу)", дейишар эди".

Сахийлик бобида ҳам Абдуллоҳ ибн Умарга тенг келадиган кишини топиш қийин эди. У қўлидаги мол-дунёни Аллоҳ таоло розилигини топиш воситаларидан бири ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам мол-дунё келиши билан тезроқ хайр-эҳсон қилиш пайидан бўларди.

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) кўп вақтини тоат-ибодат, Куръон тиловати, Аллоҳни эслаш билан ўтказар эди. У Куръони карим тиловатидан мислсиз ҳузур топарди. Ўзи ўқиса ҳам, бошқалардан эшитса ҳам, бирдек таъсирланар ва йиғлаб, соқоллари ҳўл бўлиб кетар эди.

Улуғ зотлардан Товус (розийаллоҳу анҳу): "Ибн Умардан кўра такволи, Ибн Аббосдан кўра олимроқ кишини кўрмадим", деган.

Аҳмад МУҲАММАД
таржумаси



ХОРАЗМЛИК МУҲАДДИС

Тарихдан маълум, милодий ўнинчи-ўн учинчи асрларда илм-маърифат гуллаб-яшнади, кўплаб олимлар етишиб чиқади. Улардан бири – кўпроқ фақиҳ сифатида танилган Абул Муаййад Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳасан Хоразмий Таржимоний Ҳанафийни



замондошлари "Хатиб" деб эъзозлашган.¹ Зикр қилинишича, у "Қураший" нисбасига ҳам эга бўлган.² У ҳижрий 593 (милодий 1197) йили Хоразмда туғилган ва шу ерда яшаган. Абул Муаййад Хоразмий Мисрга, Дамашқ ва Бағдод шаҳарларига сафар қилади. Маккаи мукаррамага бориб, Каъбага яқин жойда туради. Бу шаҳарлар ўша даврда илм марказлари эди. У Дамашқ ва Бағдодда ҳадис илмидан сабоқ олади. Хоразмга қайтгач, қози этиб тайинланади.³ У "Ал-Фусул" асари муаллифи Нажмиддин Тоҳир ибн Муҳаммад Ҳафсий ва Абу Муҳаммад Юсуф ибн Абдурахмондан сабоқ олади.

Абул Муаййад Хоразмий ҳижрий 655 (милодий 1257) йили Хоразмда, бошқа бир маълумотга кўра, Бағдодда вафот этган.

Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ривоят қилган ҳадисларни кўплаб муҳаддислар тўплаб, китоб ҳолига келтиришган. Абул Муаййад Хоразмий Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) фикҳига доир ўн бешта "Муснад"дан икки жилдли "Жомеул масонид" тўпламини тuzган. Манбаларда бу китобни Бағдод шаҳрида жамлагани таъкидланади.

Ҳадис ривоят қилишдаги ўзига хос услуб ва йўллари билан кўпгина олимлар алоҳида-алоҳида "Муснад" тўпламларига тартиб беришган. "Жомеул масонид" ҳам шундай китоблар сирасига киради.

Абул Муаййад Хоразмий бу асарни ёзишга киришуви сабабини бундай изоҳлайди: "Шомда баъзи жоҳиллардан Имом (Абу Ҳанифа) қадри ҳақида эшитдим. Улар айтишича, гўё Абу Ҳанифа ҳадис ривоят қилишда нуқсонга йўл қўйган эмиш, ҳадис ривоятини арзимас санаб, унга кам мурожаат қилган эмиш. Улар: Абу Ҳанифанинг "Муснад"и йўқ, фақат озгина ҳадисдан фойдаланган, деб айтишади. Бундай гаплар мени ларзага солди. Мен Абу Ҳанифага нисбат бериб, ривоят қилинган "Муснад"лар-

дан ўн бештасини тўпладим ва улардан саралаб, бир китоб жамладим. Аллоҳнинг Ўзи бу ишимга ёрдамчи бўлди. Бу китобни тартиб-лашда фикҳ бобларини асос қилиб олдим. Унинг тартиби қисқа бўлиб, ёд олишга осон. Такрор иснодларни тушириб қолдирдим. Фақат бир ҳадис

бир қанча маъноларни қамраб олган бўлсагина, такрор келтирилди".⁴

Муаллифнинг "Жомеул масонид" сўзбошида келтирилган бу фикрларидан ушбу "Муснад" ҳанафий мазҳабини турли асоссиз гаплардан ҳимоя қилиш мақсадида жамлангани кўриниб турибди.

"Муснад"даги 1761 та ҳадис тўғридан-тўғри Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилинган. Китобдан имон, таҳорат, намоз, ҳаж ва никоҳ масалаларига доир кўп саҳиҳ ҳадислар ўрин олган. "Муснад"да Имом Абу Ҳанифанинг (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳаётлари, у зот ҳадис ривоят қилган саҳобалар, тобеинлар, устозлари ва шогирдлари, замондошлари ҳамда Абу Ҳанифадан ҳадис ривоят қилган ровийлар, буюк Имом билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, шунингдек, китобда ривоятлари келтирилган 795 ровий ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

"Муснад"да Имом Абу Ҳанифа учрашган саҳобаларга алоҳида ўрин ажратилади. Абул Муаййад Хоразмий Имом Абу Ҳанифа учрашган саҳобалардан қуйидагиларни санаб ўтади: Абдуллоҳ ибн Унайс, Абдуллоҳ ибн Хорис ибн Жазъий Зубайдий, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Восила ибн Асқоъ, Анас ибн Молик ва Ойша бинти Ужаррад.

Бу асар ва унинг муаллифи илмий меросини тўлақонли ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Дилмурод СОБИРОВ,

Тошкент Ислон университети магистранти

¹ Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд. "Ўрта Осиё олимлари қомуси". Тошкент. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. 155-б.

² Муҳаммад Амин Уврақузий. "Муснади Абу Ҳанифа", Қарочи, 1978. 39-б.

³ Ибн Қутлибю. "Тожид ат-Тороим" (электрон нусха).

⁴ Абу Муаййад Хоразмий. "Жомеул масонид". "Дорул-қутубул-илмий." 1-жуз, 4-бет.





БОЛА БОШИДАН...

Оиладаги ҳолат бола тарбиясига албатта таъсир қилади. Хотиржамлик бўлмаган оилада бола тўполончи, гап уқмас бўлиб ўсади. Нега шундай? Чунки бу оилада ота-она бир-бири билан болалар кўзи олдида жанжал қилишади. Оқибатда болалар ота-онани ҳурмат қилмай қўйишади. Улар кўпинча ўз ҳолларича яшашади. Катталарнинг танбеҳи, насиҳатини ёқтиришмайди. Ўқитувчининг гаплари насиҳати у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади.

Бундай болалар улғайгач, оқибатсиз бўлишса, нолиб юрганимиз юрган. Айбдор ўзимиз эканимизни тан олгимиз келмайди. Арзимас гап-сўздан, озгина етишмовчиликдан жанжал чиқармай, эру хотин ҳамжиҳат бўлишса, оилада осойишталик бўлади, болалар тарбиясига путур етмайди.

Нурмухаммад ХАЙДАРОВ,
Ёзёвон тумани



БИР САВОЛ СЎРАСАМ

Савол: Маҳр масаласига изох берсангиз. (Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳри).

Жавоб: Маҳр — никоҳ ақди ёки эр-хотин бўлиш билан эр зиммасига тушадиган, хотинга берилиши керак бўлган молдир.

Қуръони каримда "маҳр" сўзининг "фариза" ва "нихла" каби бир неча муқобиллари бор. Маҳр миқдори қанча? Бу борада қатъий бир миқдор айтилмаган. Чунки вақти келса, маҳр турли қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Энг оз миқдор ўн дирҳам (тахминан ўттиз грам кумуш) деб кўрсатилган.

Ҳазрати Ойша (розийаллоҳу анҳо) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилган ҳадисда: "Аёлнинг хосятли, омадли, бахтиёр эканига илк ишорат тўй ишларининг ва маҳрининг қулай, осон бўлишидир", дейилади.

Савол: Бир танишим тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Бир неча киши уни кўргани бордик. Бир оз суҳбатлашиб, ҳолаҳвол сўраганимиздан кейин, кетишга чоғланмоқчи бўлиб, шерикларимга имо қилсам, улар: "Ўтиравер, дўстимиз зерикиб қолибди", дейишди. Мен эса, беморнинг хонадоши ҳам борлигидан ийманиб, зўрға ўтирдим. Динимизда беморларни зиёрат қилиш одоблари қандай? (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри).

Жавоб: Дардга чиройли сабр қилган инсоннинг гуноҳлари кечирилиб, савобга эришади. Аммо сабрсизлик қилса, гуноҳкор бўлади. Шундай ҳолларда инсонлар ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ҳамжиҳатлик кўпайиши учун бир-бирларидан хабар олиб туришлари зарур.

Ҳадисда: "Бир мусулмон бошқа бир касал мусулмонни эрталаб бориб кўрса, албатта, унга кечқурунғача етмиш минг фаришта салават айтади. Агар кечқурун касални кўрса, албатта, унга етмиш минг фаришта эрталабғача салават айтади. Яна унга жаннатда бир боғ яратилади" (Имом Термизий ривояти), дейилган.

Демак, қариндошлар, таниш-билишлар касал бўлишса, уларни кўргани бориш яхши. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) енгил касалларни ҳам бориб кўрганлар.

"Агар касал ҳузурига кириб қолсанг, сенинг ҳаққингга яхши дуо қилишини сўра. Чунки унинг дуоси фаришталар дуоси каби мустажобдир" (Ибн Можа ривояти), дейилган.

Афсус, баъзилар кексайиб қолган ота-оналарини, касал қариндошлари, маҳалладошлари, касбдошлари, дўстларини, вақт йўқлигини баҳона қилиб, кўргани боришмайди. Боришса ҳам, саволда айтилгани каби узоқ ўтириб, касал одамни толиқтириб қўйишади. Бундай қилиш тўғри эмас.

"Сўраган эдингиз", 14-китоб.

ЁМОНГА ҚАРАМАГАН, ЁМОННИ СЎЗЛАМАГАН

Собит исмли йигит бир боғдан оқиб чиққан ариқда кўлини ювди. Шу пайт кўзи сувда қалқиб келаётган қирмизи олмага тушди. У олмани тутиб, бир тишлади. Тишладию мазасини билган захоти хушёр тортди: “Нима қилиб кўйдим? Ахир бу олманинг эгаси бўлса керак?! Ўзимники бўлмаган нарсдан тотиндим, энди эгасини албатта рози қилишим керак!”

Йигит шу хаёл билан сув оқиб келаётган томонга юрди. Бироздан сўнг ҳосили кўплигидан шохлари сувга эгилиб турган олма дарахларини кўрди. Кўлидаги тишланган олмага қараса, ўша дарахт мевасига ўхшайди. “Мен сўроқсиз тотинган олма шу боғдан экан”, деб ўйлади ва боғ эгасини чакирди. Чикиб келган боғ соҳибига бўлган воқеани тушунтирди. Сўнг “Розилигингизни олмоқчи эдим, олманинг ҳақини бераман, ғафлатда қолиб қилган хатойимни кечирингизни сўрайман, олмани менга ҳалол этсангиз”, деди. “Уч йил менга ишлаб берасан, шундан кейин ўйлаб кўраман, олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чораси шудир”, деди боғ эгаси.

Собит розилик билдирди. Бир лаҳзалик ғафлат, сўроқсиз бир тишланган олманинг тўлови ўша боғдаги уч йиллик хизмат бўлди. Аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди. Нима қилиб бўлса-да, олмани ҳалоллаб олиши керак!

Уч йил тўлган куни Собит бадавлат боғ эгаси олдига борди. Муҳлат тўлганини айтиб, “рози

бўлинг, энди мен кетай”, деди. “Уч йил ўтгач ўйлаб кўраман, деган эдим. Ўйлаб кўрдим. Бирок яна кичик бир шартим бор, шунга ҳам бажарсанг, розиман: менинг бир қизим бор, кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, юролмайди. Агар шунга уйлансанг, олмага рози бўлмаган, акс ҳолда рози эмасман”, деди боғ эгаси.

Йигит унинг шартига кўнди. Никоҳ ўқитилди, тўй зиёфати ўтди. Куёв гўшангага кирса, соппа-соғ, хусни бинойидай келин ўтирибди. “Бу ерда бир янглишлик ёки ҳийла борга ўхшайди”, дея ўйлаган йигит қайногага учради. “Отажон, менга кўр, тилсиз, мажруҳ қизим бор, деган эдингиз, ҳолбуки, соғ-саломат бу дунё гўзалини кўрдим”, деди.

Қайнога қулимсираб: “Шундай, ўғлим, қизим ёмонга қармайди, шунга кўзлари кўр, ёмонни сўзламайди, шунга тили йўқ, кўлини нопокка чўзмайди, шунга кўли ишламайди, ножоиз жойларга бормайди, шунга оёғи ҳам йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода айтдим. Чунки қизимга сен каби Аллоҳдан кўрқадиган, ёмондан ҳазар қиладиган бир солиҳ йигит ахтариб юрган эдим. Сенинг сўроқсиз тишланган бир луқма олма суви учун ҳалоллик сўраганингда орзуимдаги йигитни топганимга ишондим ва сени уч йил имтиҳон қилдим. Синовлардан ўтганингдан кейин қизимни сенга узатишга рози бўлдим”, деди.

Бу никоҳдан мазхаббошимиз Абу Ханифа Нўъмон ибн Собит (Имоми Аъзам) дунёга келди, у зот шундай азиз ота-онадан туғилди.

Ахмад МУҲАММАД
тайёрлади.

Бола кўкракдан ажратилганидан кейин саккиз ёшга тўлгунча ота-она катта эътибор бериши зарур бўлган тўрт ҳолат бор: овқатланиши, ухлаши, тозаллиги ва ҳаракатда бўлиши.

Болани овқатлантиришда икки нарсани – тартиб ва ўртачаликни эсингиздан чиқарманг. Тартибсиз овқатланиш, бир овқат ҳазм бўлмасидан бошқасини ейиш ҳазм аъзолари ишини бузади.

ТЎРТ ЗАРУР ЭСЛАТМА

Болангизга бир кеча-кундузлик овқатни тўртга бўлинг: бир қисмини эрталаб беринг, масалан, бир тўғрам нон билан сут ёки чой. Кундузги овқат кечкисидан кучли бўлиши керак. Тунда эса енгилгина овқат беринг. Оврупа табиблари хулосасига кўра, кам ейиш одамни кучсиз қилса, кўп ейиш танбал қиладди. Инсон мияси асосан ухлаганида дам олади. Кам уйқу одамни кучсиз ва иштаҳасиз қиладди. Фарзандингиз тўққиз соатдан кам ухламаслиги керак. Айниқса, кечани уйқусизлик ва кундузни уйқу билан ўтказмасин. Бола вақтли ётиб, вақтли турсин.

Болани бошидан тозалликка ўргатинг. Тез-тез чўмилтиринг. Кийим-кечаклари, идиш-товоқлари тозаллигига эътиборли бўлинг.





Агар бола ёшлигидан бундай ишларга одатланса, улғайганидан кейин ҳам озодалиги ва поклигига эътиборли бўлади.

Баъзилар фарзандларини кўчада ўйнашга чиқаришмайди. Ҳавоси оғир уйларда узоқ бўлиш, ҳаракат қилмаслик, тенгқурлари билан ўйнамаслик кўп касалликларга чалинишига сабаб бўлади. Болада дангасалик, ишёқмаслик иллатлари пайдо бўлади. Боланинг югур-югурида, кўпҳаракат қилишида зарар йўқ, танасида қон яхши юради, иштаҳаси очилади, бада-нига қувват кириб, қалби очилади.

Абдурауф Фитратнинг
“Оила” рисоласидан

АЁЛ БИЛАН КОМПЮТЕР



Шифокорлар таъкидлашча, компьютерда узоқ ишлаш аёллар соғлиғига зарарли. Лазерли принтер ҳам бўёқ кукунининг бир қисмини ҳавога чиқариб, ўпкага ёмон таъсир қилади, нафас олишни қийинлаштиради.

Бундай салбий ҳолатлар олдини олиш учун шифокорлар компьютер ёнига кўзгу қўйишни, ҳар ярим соатда махсус бадантарбия машқларини бажаришни, керак бўлмаганида принтерни ўчириб қўйишни, хоналарни тез-тез шамоллатиб туришни уқтиришади.

РАЙҲОНА
тайёрлади.

ОНАЛИК ҚУВОНЧЛАРИ

Бола туғилиши билан уйдаги тизим ўзгаради, хоҳиш-истакларингиз иккинчи даражага ўтади. Эрингиз ҳаётидаги ўринингиз ҳам... Бу кетма-кет эврилишлардан уйқунгиз қочади. Наслингизни давом эттирувчи, бошқача туйғулар билан ҳаётингизни ўзгартирган оналик сизни бахтларга кўмади.

Илк оналик ҳаяжонини тасвираб бўлмайди. Иккинчи ва кейинги бор она бўлиш бир оз осон кўринса-да, бу иш жиддийлик, билим, ўрганиш, сабр, мурувват, ишонч ва муҳаббат истади.

Она бўлиш учун болани дунёга келтириш етарли. Аммо ҳақиқий она бўла олиш учун оиласига ва жамиятига фойда келтирадиган, келажагига ишонч билан қараган, чинакам инсон дея олинадиган фарзандлар етиштириш керак бўлади.

Бундай фарзандларни қандай тарбия қилиш мумкин? Ҳақиқий она бўлиш учун нима қилиш керак? Энг олдин оналик илмини ўзлаштиришга шошилишимиз, елкамиздаги бола ҳақларини ўрганишимиз керак. Ундан ҳам олдин энг тоза ният қилайлик, “Аллоҳ хоҳласа, яхши фарзанд тарбиялайман!..” дейлик. Ҳомила ҳали пайдо бўлмай туриб, саодатли фарзанд учун саодатли она бўлишга ўзимизни тайёрлайлик. Покиза бўлайлик. Қалбимизни ҳам доим тоза тутиб, уни кирлардан, иллатлардан қўримоғимиз керак. Ҳомилик чоғида эса ўзимизга қўшиб уни ҳам ёмон нарсалардан асрашимиз, туғилгач эса орзуимиздаги шахсни камол топтириш учун жидду жаҳд қилишимиз, қанчалар гўзал!

Умр бир қарашда узун ва бир қарашда қисқа. Битмас орзулар ва туганмас умидларга тўла. Оналик ана шу умрнинг энг қийматли дамларидир. Чунки ундаги орзу ва умидлар соф, тоза меҳрдан туғилади. Дуолар ҳам ана шундай қалбнинг қўридан тўкилади.

Аллоҳ таоло барча оналарнинг энг тоза ниятларини ижобат қилсин!

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

ТЕТИКЛИКНИНГ САККИЗ ҚОИДАСИ

*Керагидан ортиқ овқат еманг.

*Овқатларингиз ёшингизга мос бўлсин. Масалан, ўттиз ёшлардаги аёллар доимо камкам ёнғоқ, майиз, қирқ-эллик ёшдан ошганлар эса кўпроқ балиқ ейишлари керак.

*Тартибли ишлаб, вақтида дам олинг. Жисмоний зўриқишларга йўл қўйманг.

*Эрингизни муҳаббат билан ардоқланг. Ўзаро илиқ муносабатлар эрта қаримасликнинг энг асосий шартидир.

*Ҳар қандай ҳолатда ҳам асабийлашмасликка, ўзингизни хотиржам тутишга ҳаракат қилинг. Асло тушқунликка берилманг.

*Доим ҳаракатда, яхшилик сари интилишда бўлинг.

*Вақти-вақти билан янги кийим олиш, яхши кўрган овқатларни ейиш каби мароқли ишлар қилишни ҳам унутманг.

*Тафаккурга, ҳикмат қидиришга чорлайдиган ишлар билан миянгни машқ қилдириб туринг. Вақтингизни бўш ўтказманг.



"Ҳазрати Имом" мажмуаси барпо этилганидан сўнг бу ерга мамлакатимизнинг шаҳар-қишлоқларидан зиёратчилар, чет эллардан меҳмонлар келиши янада кўпайди. Айниқса, ҳижрий биринчи, милодий еттинчи асрда кийик терисига кўчирилган Ҳазрати Усмон Мусхафи сақланаётган музейдан одамларнинг қадами узилмайди.



МЕҲМОНЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Давлат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, вазирликлар, элчихоналар вакиллари "Ҳазрати Имом" мажмуасига юқори баҳо бериб, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг меҳмонлар эсдалик китобига таассуротларини ёзиб қолдиришади. Олий мартабали меҳмонлар орасида Туркманистон Республикаси президенти Курбонгули Бердимухаммедов, Кувайт давлати амири Сабах Аҳмад ас-Сабах, Қозоғистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбоев каби давлат раҳбарлари бор.

2010 йил 27 сентябр куни Озарбойжон Республикаси президенти Илҳом Алиев идора меҳмонлари эсдалик китобига бундай сўзларни ёзиб қолдириди: "Ҳазрати Имом мажмуаси билан танишиш менга жуда катта таассурот бағишлади. Бу муҳташам мажмуа ўзбек халқининг нақадар бой тарих ва маданиятга эга бўлганини кўрсатади. Қардош ўзбек халқига чуқур ҳурмат ва муҳаббатимни билдираман".

Шунингдек, эсдалик китобида Ислоҳ Тараққиёт Банки президенти Аҳмад Мухаммад Алининг бундай юрак сўзлари бор: "Ҳазрати Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу) Мусхафи шарифининг асл нусхаси сақланаётган ушбу мажмуага қилган ташрифдан беҳад миннатдорлик билдираман. Бу буюк мамлакатда мазкур учрашувни ташкиллаштиришдаги саъй-ҳаракатлари ва бизларни самимий кутиб олишда қилган хизматлари учун учрашув ташкилотчиларига ташаккуримизни изҳор этамиз. Шунингдек, бу юртдан Имом ал-Бухорий каби етук шахслар етишиб чиққан. Уларнинг Ислоҳ маданияти ва тамаддунига қўшган буюк хизматларини юксак баҳолаймиз. 2007 йил 3 июл".

"Ўзбекистон Республикасига қилган ташрифим давомида менга Тошкентдаги муҳим исломий қадриятлар, айниқса, муслмонлар идораси кутубхонаси билан танишиш фурсати берилганидан ғоят мам-

нунман. Ушбу ажойиб мажмуа буюк ўзбек халқининг миллий-диний анъаналарини маҳкам тутиш ва пок Ислоҳ дини меросини асраш билан фахрла-нишини аниқлатади. Бу мадрасани ва ҳашаматли жоме масжидни барпо этиш ва асраш бўйича иш олиб борган ходимларга ташаккурлар бўлсин", деб ёзади 2007 йил 14 августда ташриф буюрган ЮНЕСКО Марказий анжумани раиси ва Уммон Султонлигининг ЮНЕСКО ташкилотидagi доимий вакили профессор Мусо ибн Жаъфар ибн Ҳасан.

"Мен ва ҳамроҳларим – Саудия Арабистонидаги молия муассасаси бошқарувчиси доктор Мухаммад Жобир ва Саудия Арабистонидаги молия жамғармаси аъзоси Юсуф Бассам жаноблари билан жоме масжидига ташриф буюганимиз ва Усмон Мусхафининг қадимий нусхаси ҳақида маълумот олганимиздан ғоятда мамнунмиз. Шунингдек, ушбу иншоотларга катта аҳамият қаратган ва бу исломий бойликни асрашда хизмат кўрсатганларнинг меҳнатларини юқори баҳолайман ва ишларига муваффақиятлар тилайман", деб ёзади 2009 йил 4 июн куни меҳмон бўлган Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим ибн Абдулазиз ал-Ассаф.

"Мен ва Бирлашган Араб Амирликларидан келган вакиллар таркибидаги ҳамроҳларим Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий мероси билан танишганимиздан ғоятда мамнун бўлдик. Биз доимо ўзбекистонлик биродарларимизга кўмаклашишга интиламиз, шунингдек, улар билан ҳамкорликни давом эттириш умидидамиз. Султон ибн Саид ал-Мансурий, БАА давлати иқтисодиёт вазири. 2009 йил 11 июн".

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. "Ҳазрати Имом" мажмуаси дунёдаги барча халқлар чуқур ҳурмат билан зиёрат қиладиган табаррук бир жой бўлиб қолди.

Обиддин ЭЛТОЕВ,
Ўзбекистон муслмонлари идораси
кутубхонасининг мудири



Ота оиланинг посбони ва устунидир. Фарзандга отадай меҳрибон ва ғамхўр киши йўқ. Фарзанднинг дунёга келиб, ҳаётда ўрнини топишида отанинг алоҳида хизматлари бор. Ота фарзандларини кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлайди, таълим-тарбияси билан шуғулланади, уйлаб-жойлайди. Хуллас, ҳар бир оиланинг равнақи ва камоли йўлида энг кўп жон куйдирадиган киши отадир.

ОТА – УЛУҒ МУРАББИЙ

Оталар фарзандларининг камол топишлари учун молларини, куч-ғайратларини сарфлашади. Оталарнинг бу хизматларини билиш, қадрига етиш ва уларга итоатда бўлиш фарзанднинг бурчидир.

Бир кун келиб ота кексаяди. Ҳар ишда бошқалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Фарзандлар отага ҳамиша, айниқса, кексайиб қолганида чиройли муомала қилишлари керак.

Аллоҳ таоло ота-оналарга яхшилик қилишни буюрган. Аммо айрим ёшларимиз бу илоҳий амрни унутиб қўйишяпти. Яшириб нима қилайлик, орамизда оталарига кўпол муомалада бўладиган, илтимосларини бажаришни “эсдан чиқариб” қўядиганлар ҳам бор. Уларнинг дилини оғритадиган, ҳатто кўл кўтаришгача борадиган ноқобил фарзандлар ҳам учраб туриши сир эмас. Энг ачинарлиси, баъзи ўғил-қизлар имкониятлари бўлатуриб, оталари кексайгач, қаровсиз ташлаб қўйишади ёки қариялар уйига жўнатишади. Кекса отахонлар туфайли келган баракотлардан фойдаланиш, уларнинг дуоларини олиш ўрнига, дийдорига зор қилиб, қийнайди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: “Оталарингизни ҳурматлаб, уларга яхшилик қилинглари, фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилади”. Халқимизда “Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин”, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Ота рози – Худо рози” каби ажойиб ҳикматлар бор.

Фарзанд ота-онага қанча яхшилик қилмасин, уларнинг ҳақларини тўла адо этолмайди. Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бола отасининг ҳақини қайтара олмайди...”, деганлар.

Солиҳ салафларимиз оталарга ҳурмат кўрсатишда, уларни рози қилиб, фарзанд-



лик бурчларини ўташда авлодларга ибрат бўлишган. Умар ибн Зарр айтади: “Агар кундузи юрсам, ўғлим одоб юзасидан ортимда келар, кечаси эса менга бирон озор етишидан кўрқиб олдимда борар, мендан юқорида бўлмаслик учун ҳатто мен турган уй томига ҳам чиқмас эди”.

Имом Товус айтади: “Тўрт тоифа инсонларни ҳурмат қилиш суннатдир: олимни, оқсоқолни, султонни ва отани. Кишининг отаси исмини айтиб чақирини кўполликдир”.

Ота-онанинг, айниқса, оталарнинг фарзанд зиммасидаги ҳақлари ўта муҳим ва эътиборга лойиқдир. Шунинг учун ҳар бир фарзанд ҳамиша улар кўнглини олишга, дуоларига муносиб бўлишга, хизматларида шай туришга, яхши ишлари, совғалари билан уларни хурсанд қилишга ҳаракат қилиши керак. Яхши фарзандлар ота-она вафотидан кейин ҳам улар ҳаққига дуо ва истиффорда бўлишади, отанинг дўст ва яқинларини йўқлаб туришади, яхши амаллари билан шаънларини пок сақлашади.

Абдуқаххор ДАДАБОЕВ

ИЧИМИЗДАГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР

Ўзбекистон Халқ табобати Академияси бош табиби Абдулазиз
САИДНУРИДДИН ўғли билан суҳбат

— Абдулазиз ака, инсон вужудда турли хил текинхўр курт, гижжа ва кушандалар яшайди, дейишади. Бу нарсалар ҳақида халқ табобати вакиллари билдиришган фикрлар қандай?

— Халқ табобати мутахассислари аниқлашича, одамнинг ички ва ташқи аъзоларида ўн етти хил ана шундай текинхўр кушанда учрайди. Аммо бу дегани, хамманинг танасида шунчадан кушанда бўлади, дегани эмас. Баъзиларда бир хили бўлса, бошқаларда яна бир тури, айримларда кўп, айримларда оз бўлиши мумкин. Биз микроб ва вируслар оламида яшаймиз: улар ичимизда, барча тана аъзоларимизда, ҳатто қон томирла-

римизда ҳам бор. Уларнинг фойдалиси ҳам, зарарлиси ҳам бўлади. Уларнинг уч хили инсон ҳаёти учун ниҳоятда фойдалидир. Фойдалилари ошқозон-ҳазм йўлларида овқат парчаланишида, ҳазм жараёни мувозанатини сақлашда, танага кирувчи зарарли кушандаларни киришда катта хизмат қилишади.

Агар фойдалиси йўқотиб юборилса, зарарлилари жуда тез кўпайиб, тана касалликка қарши кураша олмайдиган ҳолга келади ва энг оддий хасталик ҳам уни осонгина енгади. Зарарлилари эса инсон танасига турли йўллар билан кириб олиб, у ерда яшаб қоладиган, танага кирган озуқа моддаларга шериклик қиладиган текинхўр куртлар (гелминтоз) ва гижжалардир.

— Бу зараркунандалар танага қандай кириб олишади?

— Турли йўллар билан. Масалан, чала пишган овқатлар, яхши ювиб-тозаланмаган мева-сабзавот ва гиёҳлар, моғорлаган ёки иссиқ нонлар, сут ва тухум, дудланган нарсалар, хом сув билан киради. Шунингдек, уй ҳайвонлари, қушлар ва ҳашаротлардан ҳам одамга ўтиши осон. Бу кушандалар узок вақт ишлатилмаган кийим-кечак, кўрпа-тўшак, ювиқсиз идиш, ҳатто касал одамдан ҳам ўтади.

— Уларнинг соғлиққа зарари нечоғли?

— Биринчидан, улар ўзи турли касалликлар манбаидир. Қолаверса, кўпинча касалликнинг кучайишига, сурункали бўлишига олиб келади. Кушандалар одам танасидаги қайси аъзога кириб олса, ўша ерда у ёки бу касалликни келтириб чиқаради, аммо бир-бирининг "иши"га аралашмайди. Масалан, тери остига кириб олганлари "канали кўтир", "қичима" касалликларини келтириб чиқаради.

— Россия кинохужжатчилари "Текинхўрлар" ("Паразиты") деган хужжатли илмий-оммабон фильми сурагга олишди. У жаҳонда экологиянинг кескин бузилиши, озиқ-овқатларнинг кўпи сунъий йўллар билан тайёрланаётгани, кишиларнинг турли кимёвий дори-дармонлар, хусусан, антибиотикларга қарам бўлиб қолгани оқибатида минг йиллардан буён инсон танасида унча зарар келтирмай яшаб келган куртлар кескин кўпайиб, инсоният саломатлигига жиддий хавф солаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Мутахассис сифатида шу ҳақдаги фикрингизни билшини истардик.

— Фильмни мен ҳам кўрдим. Фильм ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳар уч кишининг бири ана шундай "чақирилмаган меҳмонлар" хуружига уч-





раганини қайд этади. Унда келтирилишича, одам танасидан узунлиги ўн метргача етadиган тасмасимон қуртлардан тортиб заррабин (микроскоп) орқалигина кўриш мумкин бўлган майда қуртларгача топилапти. Катта ёшдаги кишиларнинг тўқсон беш фоизда бир хилдан беш хилгача турли текинхўр қурт ва гижжалар бор.

Ҳозиргача, текинхўр қуртлар фақат овқат ҳазм қилиш йўлларидагина яшайди, деб ҳисоблаб келинар эди. Аммо текширишларда улар юрак, ўпка, жигар, буйрак, мия, қон томирларида, ҳатто кўзларда ҳам борлиги аниқланди. "Текинхўрлар" филмида кўрсатилишича, Россия шифохоналаридан бирида бир касалнинг юраги устига жойлашиб олган, катталиги росмана олмадай келадиган қуртлар тўдасини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди.

Ғарблик мутахассис доктор Кларк эътирофича, танада бундай қуртларнинг кўпайиб кетиши бозиллаш (аллергия), тери касалликлари (дерматит), СПИД, юрак етишмовчилиги, хавфли саратон ўсмалари, доимий чарчаш каби хасталиклар келиб чиқишига сабаб бўлади.



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маърузаларида келтирилишича, кейинги ўн йил ичида Ер юзиде тўрт ярим миллиард киши ана шу хасталикка мубтало бўлган. Оврупада ҳар уч кишининг бири бемор бўлса, АҚШ аҳолисининг ўртача тўқсон фоизи бу хасталикдан азоб чекапти.

— *Бу кушандалардан ҳимояланиш учун нима қилиш керак?*

— Тадқиқотлар кўрсатишича, бу каби текинхўр қуртлардан сақланиш учун танадаги ортиқча чиқит ва хилтларни тез-тез ташқарига чиқариб туриш, соғлиққа зарар бўладиган ва сунъий тайёрланадиган овқатларни емаслик, кимёвий дориларга ружу қўймаслик, тананинг чидамлилиқ тизимини мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак.

Ислом дини саломатлик масаласи ечимини ҳам чиройли ҳал этади. "Пайгамбар табобати"да келтирилишича, бадан табобатининг қоидалари учтадир: соғлиқни ҳимоя қилиш; зарардан сақланиш; бузғунчи моддалардан қутулиш. Қамалиб-тиқилиб қолиб, зарар етказадиган бузғунчи нарсалар ўнтадир: кўпирган қон, қўзғалган маний (шаҳват уруғи), бавл (сийдик), катта ҳожат, қориндаги дам, қусқи, акса, уйқу, очлик, ташналиқ. Мана шу ўн нарсанинг ҳар бири танада ушланиб-тутилиб қолса, албатта, бир касалликни келтириб чиқаради.

Ёйилган овқатларнинг, ичилган ичимликларнинг бир қисми



ҳужайралар эҳтиёжини қондириш учун ички аъзоларга шимилиб кетса, маълум бир қисми турли кўринишларда чиқиндиларга айланади. Бироқ кўпинча бу чиқиндилар тўлалигича ташқарига чиқиб кетмайди. Шунинг учун иложи борича ҳафтада, иложи бўлмаса, ўн-ўн беш кунда бир марта оч юриш, чанқанган пайтда эса фақат қайнаган илиқ сув ичиб туриш, сўнг бир литр қатик зардоби ёки маккай сано дамламаси билан ични ювиш керак. Шунда ичимизда қолган чиқиндилар ташқарига чиқади, ошқозон-ҳазм йўллари, буйрак ювилади, нафас йўллари очилади ва юзнинг ранги тозаланиб, саломатлик мустаҳкамланади.

Аллоҳ таоло инсон танасини жуда мукамал ва дақиқ яратган, танамиз табиий муҳитда бундай "ички душманлари"га қарши бемалол кураша олади. Аммо бу борадаги меъёр бузилса, киши чидамлилиги (иммунитети) пасайиб кетади. Саломатлик ҳақида қайғуриш, соғлом турмуш тарзини жорий қилишга ҳар бир киши жиддий эътибор бериши керак.

Аҳмад МУҲАММАД
суҳбатлашди.



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



“Оврупада Ислом келажуги”



Шу йилнинг 29 – 31 октябр кунлари Белгия пойтахтида ўтган халқаро анжуман “Оврупада Ислом келажуги” деб номланди. Ушбу анжуман Бутун Жаҳон Ислом уюшмаси ва

Оврупа Ислом конференцияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Франциядаги “Ибн Сино” ижтимоий фанлар маркази директори Муҳаммад Башар анжуман хусусида тўхталиб, жумладан, бундай деди: “Ҳозир Белгия Оврупа Иттифоқига раислик қиляпти. Ушбу йиғинда қабул қилинадиган қарор ва тавсиялар Оврупа Иттифоқининг мусулмонлар билан муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади, деган умиддамиз”.

Муҳаммад Башар айтдишича, йиғин Исломни ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш (исломophobia) масаласига ҳамда Оврупада мусулмонларнинг ҳаётига доир муаммоларни муҳокама этиш имконини беради. Анжуманни ўтказишдан мақсад Ислом динининг чинакам инсонпарварлик моҳиятини оммага кўрсатишдир.

Анжуманда Оврупа мамлакатларидаги қатор Ислом ташкилотлари, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Белгиянинг Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Оврупа Иттифоқи вакиллари иштирок этишди.

Дания вазири кечирим сўради

Яқинда Дания ташқи ишлар вазири Лене Эсперсен Мисрнинг “Ал-Азҳар” университе-

ти олими Аҳмад Тоййиб билан учрашди. Учрашув чоғида у: “Муҳаммад пайғамбар ва Ислом динини ёмонлаб Курт Вестергард чизган расмлар нашр этилгани учун

“Ал-Азҳар” шайхи тимсолида бутун Ислом олаmidан кечирим сўрайман”, деди. Шунингдек, вазир жаноблари: “Дания ҳукумати рассомнинг Ислом тамаддуни ҳақидаги фикрларига қўшилмаслигини ҳамма билиб қўйсин. Ҳукумат эндиликда Ислом динига нисбатан бундай бемаънилик ва ҳақоратларга йўл қўймайди”, деб ишонтирди.

Очиқ эшиклар куни

Олмонянинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги жоме масжидларида очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Маҳаллий аҳоли, дунёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар иштирок этган тадбир Олмония бирлашганининг йигирма йиллигига бағишланди.



Тадбир ташкилотчилари меҳмонлари Ислом маданияти, мусулмонлар имон-эътиқоди ва маросимлари билан таништириш мақсадида масжидларга зиёрат уюштиришди. Олмония мусулмонлари олий кенгаши бошқа дин вакиллари билан аҳилликни таъминлаш ниятида 1997 йилдан буён очиқ эшиклар куни ўтказиб келади.



“Аҳмадия” адашган фирқа



Индонезия мусулмонлари ташкилоти – “Наҳдатул Уламо” мамлакат аҳолисини “Аҳмадия” оқимини хатарли фирқа, унга эргашувчиларни адашганлар деб огоҳлантирди. Ташкилот раҳбарлари таъкидлашчи, бу оқим тарафдорларининг эътиқоди бузуқ. Улар Ислом динининг бир неча асосий ақидалари, жумладан, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охириги пайғамбар эканларини тан олишмайди.

Террорга қарши ҳамкорлик зарур

Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрида мамлакат президенти Башар Асад билан Туркия бош вазири Тоййиб Эрдоғон билан учрашишди. Улар террорчиликка



қарши кураш масаласида фикр алмашишди. Учрашувда икки давлатнинг бу борада ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Сурия президенти Ироқ билан чегарадош давлатлар бу юртдаги вазиятдан ташвишда эканларини билдирди. У олти ой давом этган баҳслардан сўнг Ироқда вазирлар маҳкамасини шакллантириш борасида бир тўхтамга келинмаганини, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам бу ишни Ироқ ҳалқининг ўзи ҳал этиши кераклигини айтди.

Баланд нархларда сотилди



Шу йил олтинчи октябр куни Сотбис кимошди савдосида Ислом маданияти осорياتикалари савдоси ташкил этилди. Унда савдо ҳажми қирқ миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу бошланғич баҳодан жуда юқори ва истал-

ган хусусий жамғарма нархидан анча баланд.

Ўрта Шарқ бўлими раҳбари ва бош директори Эдвард Гиббс Сотбисдаги савдоларни шарҳлар экан: “Бу ажойиб ютуқ камёб санъат намуналарига катта талаб борлигини, халқаро санъатга қизиқиш ортаётганини кўрсатади”, деб таъкидлади.


Юсуф Қарзовий – етук олим

Оврупалик мутахассислар Шайх Юсуф Қарзовийни Ислом оламининг энг етук олимларидан деб ҳисоблашмоқда. Саксон тўрт ёшли Қарзовий нафа-



қат машҳур сунний олим, балки иқтидорли воиз ҳамдир. Норвегиянинг “Aftenposten” газетаси ёзишчи, Қарзовий катта обрў-эътиборга эга. У Фатво ва тадқиқотлар бўйича халқаро кенгаш раиси, “Ал-Жазира” телеканали бошловчиси, Мусулмон олимлари халқаро кенгаши раҳбари ҳамдир.

Қиримда илк мадраса



Сакидаги шаҳар масжиди қошида Қиримда илк мадраса иш бошлади. Бу илм масканида имомхатиблар тайёрланади. Шаҳар масжиди имоми Амирҳасан Умеров фикрича, Қирим мусулмонларининг асосий муаммоларидан

бири пухта, ҳартомонлама билим олган, минтақанинг барча масжидларида хизмат қилишига лаёқатли имомлар етишмаслигидир. Энди уларни тайёрлаш имкони пайдо бўлди.

Мадраसा ҳозирча йигирма талабага мўлжалланган. Бу ерда ўқитувчилар хонаси, ётоқхона, ошхона ва таҳоратхона ҳам бор.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Абдурауф Фитратнинг (1889-1938) ўзбек жадид адабиёти, адабиётшунослиги тарихида ўзига хос ўрни бор. Истиқлол йилларида унинг адабий-илмий меросини ўрганиш борасида анча ишлар қилинди. "Мунозара" (1932), "Ҳинд саёҳати" (1912), "Оила" (1915), "Нажот" (1915) каби одоб-ахлоқ ва илм-маърифатни тарғиб-ташвиқ қиладиган асарлари халқимизга етказилди. Бу асарларда Фитрат ижодининг илк босқичига хос жадидчилик ғоялари яққол намоён бўлади.

XIX аср охирларидан бошлаб жадид мутафаккирлар миллатни тарбиялаш ва уни жаҳолатдан огоҳ қилиш учун бутун куч-билимларини сарф этишди. Жадидларнинг олий мақсадлари Ватанни обод, халқни жаҳоннинг тараққий этган миллатлари қаторида кўриш эди. Бу мақсадга эришишнинг бирдан-бир йўлини улар илм-фанни эгаллашда, таълим-тарбияда кўришди.

ФИТРАТНИНГ АХЛОҚИЙ ФИКРАТИ

(“Нажот” асари ҳақида)



Абдурауф Фитратнинг “Нажот” асари айна шу мақсадда ёзилган. Асар тез орада Бухоро, Туркистон жадидчилик ҳаракати намояндаларининг дастуриламалига айланди. Асарнинг ҳар боби, ҳар саҳифасида Ватанига, халқига, унинг ўтмишига муаллифнинг

юксак ҳурмати уфуриб туради. Фитрат ёзади: “Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият кўёшининг чиқиш жойи, маърифат дунёсининг манбаи сифатида танилган эди. Фаробийлар, Бухорийлар, Абу Али ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарган эдилар. Бизнинг мамлакатимиз минглаб машҳур олимларни чор атрофга етказиб бериб, қўшниларнинг шарафини ҳам овоза қилиб, дунёга танитган эди. Саноатимиз шу даражада эдики, ўзга юртлар либос, кийим-кечакларини бизнинг мамлакатимиздан олиб кетардилар”.

Хўш, нима сабабдан шундай илмий юксакликка эришган халқ кейинги асрларда — хонликлар даврида бутун тараққиётни қўлдан бой берди? Фитрат ушбу саволга жавоб қидирар экан, мактабларнинг “башарият тараққиётининг онаси илм-фан”дан узоклашиб кетганини, уларда ўқитиш усуллари яроқсизлигини очиқ кўрсатади.

Куръони карим оятларига асосланган ҳолда ки-

тобхон эътиборини ақлга қаратади. Аллоҳ таоло инсонни турли дарранда ва ҳайвонлардан, табиат ҳодисаларидан жисман кучсиз, кичик қилиб яратган. Аммо инсонга улуғ неъматни — ақлни берган.

Фитрат ақлни икки қисмга бўлади: 1. Фитрий ақл. 2. Касбий ақл. Фитрий ақл Аллоҳ берган, яъни, туғма ақлдир. Касбий ақл таълим-тарбия, илм-тажриба орқали фитрий ақлни ривожлантириб боради ва уни юксакликка олиб чиқади. Шунинг учун саодатга эришмоқчи бўлган инсон тинимсиз фойдали илмлар ва гўзал хулқларни эгалламоғи керак.

Фитрат меҳрибонлик, ғайрат-шижоат, саховат, жасорат, ҳалимлик, иффат, ҳаё, сидқ, сабр-қаноат каби фазилатлар, уларнинг инсон ҳаётида тугган ўрни тўғрисида ёзади. Фитрат бундай гўзал фазилатлар билан бир қаторда, инсонни тубанликка, фожиага олиб борувчи қабоҳат — танбаллик, худбинлик, исрофгарчилик, бахиллик, манманлик, қайсарлик, ғазаб, одобсизлик, нифок, хушомад, хирс, риё каби ахлоққа зид хусусиятларни анча чуқур таҳлил қилади.

Шундан сўнг муаллиф авлод тарбияси масаласига ўтади. Бу масалани у “ҳаёт биносининг пойдевори” деб билади. Фитрат тарбияни уч асосий йўналишга бўлади: бадан тарбияси; фикр (ақл) тарбияси; ахлоқ тарбияси.

Авлод тарбияси асло шахсий иш эмас, балки ижтимоий иш, жамият ишидир. Чунки ватан истикболи, миллат тақдири кўп жиҳатдан авлод тарбиясига боғлиқ. “Бадан тарбияси танни соғлом ва куч-қувватли қилиш, аъзоларни такомилга етказишдан иборат. Бусиз бахт-саодатга эришиб бўлмай-





МУНЧОҚТЕПА ЧИРОЙЛИ ҚИШЛОҚ

Мунчоқтепалик Жўра оқсоқол қишлоқдошларининг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга бел боғлади. Элни йиғиб, қишлоққа табиий газ, ичимлик суви олиб кириш йўлларини ахтарди. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, қишлоқ яқинидаги кудуқдан сув қузури, орадан кўп ўтмай, газ қузури ҳам тортиб келинди. Бугун қарийб беш юзга яқин хонадонда "зангори олов" ёняпти. Кўпни бирлаштирган оқсоқол қишлоқ биқинидаги Қумқўрғон канали устига ўрнатилган ўттиз метрли кўприк қурилишига ҳам бош бўлди...

Мунчоқтепа мана шундай инсонларнинг химмати боис бугун чиройли, кўзни қувонтирадиган қишлоққа айланди.

Чори МУҲАММАДНАЗАР,
Қумқўрғон тумани



ди. Одамзот бутун умри давомида сихҳат ва қувватга муҳтож..." Бадан тарбиясида биринчи масъулият онага юклатилади. Фитрат таъкидлаганидек, фарзанд она қорнидалигида, туғилиб, то қўкракдан ажралгунча она ва фарзанд соғлиги узвий боғлиқда бўлади. Шунинг учун ҳам онага теккан ҳар қандай касаллик болага ҳам кучли салбий таъсир кўрсатади. Бу даврда бола тарбияси она саломатлигини сақлаш орқали амалга оширилади.

Фитрат мактабларда бадан тарбияси масаласига тўхталар экан, жадид мактабларидаги имкониятларни фахр билан тавсиф этади: "Жадид мактабларида болалар учун илмий йўналтирилган ўйинлар жорий қилинган. Болаларни доимо ўйиндан манъ қилиб, калтак зарбида қолдиришнинг зараридан боланинг жисман ривожланиши сусаяди..."

Фитратнинг фикр (ақл) тарбияси ҳақидаги қарашлари ҳам катта эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, одам кўрган-билган, кузатган, ўқиган нарсаларини, воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунса ва улардан тўғри хулоса чиқара олсагина, етукликка, камолотга эришади.

Фитратнинг ахлоқий тарбия масалаларига муносабати Шарқ мутафаккирларининг қарашларига ҳамоҳанг. Уларга Кайковуснинг "Қобуснома", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи муҳсиний", "Футувватномаи султоний" каби асарлари, шунингдек, Оврупа ахлоқшунослари таъсири кўринади. У дарсларда Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларидаги ахлоқ мезонларини ифодаловчи ибратли ҳикоялардан фойдаланишни тавсия этади. Фитрат фикрича, бола сувга ўхшайди, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам ўзи яшаётган муҳит ахлоқини қабул қилишади.

Хуллас, Абдурауф Фитратнинг "Нажот" асарида одоб-ахлоққа, таълим-тарбияга доир кўтарилган фикр-мулоҳазалари бугун ҳам қадрқимматини йўқотмаган.

Улуғбек ДОЛИМОВ,
педагогика фанлари доктори

* Абдурауф Фитрат. "Нажот". "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Т. 2001. 13-14-бетлар.



Эрит юрагинда қолган музларни

Усмон АЗИМ,

Ўзбекистон халқ шоири

* * *

Шамол сочларида майсанинг бўйи,
 Куёш ёғдуси-ла гуллар хиди бор.
 Гуллаган бошини елкамга қўйиб,
 Бу шеърни мен билан ёзишди баҳор.
 Санқиган булутлар кезди фалакда,
 Гоҳ куёш бекинди, гоҳ сочди ёғду.
 Хар сўзни битталаб узди юракдан,
 Теграмни ўраган ям-яшил туйғу.
 Миямнинг тош-метин зирҳини чақди —
 Илиқ зиёларга ўралди онгим.
 Нозик тўлғонишда кўзимга боқди...
 Ишондим, баҳорим, сенга ишондим!
 Ишондим, саратон асир олган пайт,
 Мен сени чорласам армонда сўлиб,
 Сувсиз чўлларимга борасанми, айт,
 Ям-яшил, ва дурқун бир дунё бўлиб?
 Гуллаган бошини елкамдан олди,
 Бир дам шеър ёзишдан тўхтади баҳор.
 Зумрад оловларга кучоғи ёнди:
 — У пайт соғинмайсан — саволинг бекор...
 Не учун бекинди оламдан куёш!
 Ё кун тугадими — уфққа ботди?
 Ў! Менинг елкамга тушган томчи ...,
 Юрагимда оқди... қалбимда оқди...



МАЙ. ЁМИР

Баҳор камалакни қўйди қўндириб
 Дунё манглайига — етти асил ранг.
 Бошидан челақлаб ёмғир қуйдириб,
 Боғ эса овора чўмилиш билан.

Булутли бағрида оловлар униб,
 Қарсиллаб ненидир сўзларкан фалак —
 Тангрининг мукамал ишидан тўлиб,
 Тарбият олади бу маҳал юрак.

Юборган ҳар лаҳзанг — нақадар гўзал!
 Юрак сўз топмоққа лол қолган бу дам,
 Ёмғирли оламга боқиб муфассал,
 Майлими, номингни такрорлаб турсам?

Тангрим! Баҳорингнинг хусни зиёда,
 Термулсам, кўқарар танимда ғайрат!
 Оқибат не қолар мендан дунёда? —
 Сенинг ижодингдан нурланган хайрат...

* * *

Томчида дунёдан улкан қўл кўрдим,
 Заррада хаёлдан узун йўл кўрдим.
 Қалбдан йўлга тушдим пою пиёда,
 Аллоҳни — яғона, йўлни мўл кўрдим.
 Ўзим ҳам йўл каби турдим дунёда.

Оғир дардлар ўтди юракни тешиб!
 Йўл кўрдим юракка — руҳимни эшиб,
 Қандай асир эдим ўзлик чоҳида —
 Охир бу зиндондан топдим бир эшик,
 Чиққани кўнгилнинг чексиз роҳига.

Тепамда дунёлар шовуллаб оқди,
 Мени ва ўзини юлдузлар ёқди.
 Чарх урди кўзимда минг-минг куёшлар,
 Минг асрор кўксимда баробар қоқди,
 Минг тошлар дардимнинг мағзини чақди,
 Кўзимдан тизилди минг турфа ёшлар.

Ютди юрагимни тубсиз ўпқонлар,
 Оловли чанг каби сочди вулқонлар —
 Бехудуд тонгларда қайта яралдим
 Худди шабнам каби. Миямда онглар
 Чексиз вужудимда нурдай таралди.

Нурли бир оғрикни сездим тушимда,
 Наҳотки, юрагим йўлга қўшилган —
 Қанча йўл бўлишга ўзи ярадим?
 Бир қарич?.. Бир қадам?..
 Аммо тушимда
 Расулуллоҳ менга қулиб қаради.



* * *

Шамол мажнунтолда чалар арғанун.
 Анхорни бир майин тор каби эшиб,
 Күёш – кенг бастакор – нур тортар узун,
 Улкан ғижжагига оташни кўшиб.

Серавж мусикадир – ёзнинг дамлари.
 Авжига – вожаб! – етмас товушим.
 Юракнинг жунунвор соғинч жанглари,
 Мувозанат сари борар оғишиб.

Ёзнинг кунларида бахтиёрлик бор –
 Хусусан, шаффолик энса кунларга,
 Хусусан, дарёлар оқса бегубор,
 Хусусан, дил лаззат олса мунглардан.

Азизим, шу қишки ғамларни унут,
 Эрит юрагингда қолган музларни.
 Бу иссиқ оғушда кезайлик кулиб,
 Эслайлик йўқолган қайноқ сўзларни.

Навқирон йилларнинг тошқини ўтди,
 Букун боғларимда оромли салқин.
 Бугун бошим узра кўёш ҳам етди,
 Дунё – тиниқликка кўмилган ёлқин.

Гулларга қарагин, йиғламоқ мумкин
 Термулиб мўъжиза камолларига.
 Меҳринг соясида қолайми турғун,
 Кечиб учқур вақтнинг шамолларидан?

Эркалик дамлари ўтди-ку, бироқ
 Тикилсак, кўринар умр поёни.
 "Оҳ" урсам сенга ҳам бўлмагай жумбоқ,
 Кучиб барглар аро сузган зиёни.

Анхорнинг четида чиқардик ҳордиқ –
 Баҳордан ҳориган иккита майса.
 Сув бир ямланганди – "Яшилмиз", дедик,
 Баҳона борми, айт, сув яна қайтса...

* * *

Ёлғизлигимнинг
 юксаклиги бор –
 чиқолмайсан.

Ёлғизлигимнинг
 теранлиги бор –
 тушолмайсан.

Ёлғизлигимнинг
 кенглиги бор –
 фақат сенга тордир.

Ёлғизлигимнинг
 ҳеч кими йўқ, фақат
 Парвардигори бордир.



БОЙСУНДА КУЗ

1

Турналар жанубга учиб ўтдилар,
 Шимолда қўзғалган кузакдан қочиб.
 Тоғлар бу дамларни узоқ кутдилар –
 Дараларга тўлган кўзлари очик.

Турналар уфққа бўзлаб ботдилар,
 "Қур-қур" сайроқ ила дунёни эзиб.
 Тоғлар сукунатда йиғлаб ётдилар,
 Парвосиз қисматнинг залворин сезиб...



2

Узумлар шифтларга
 илиб кўйилди.
 Олмалар токчага
 терилди қатор.
 Кўзада шиннилар
 обдон кўйилди,
 майиз-у жийдага
 лик тўлди омбор.

Эшиклар бекилди,
 тушар-тушмас шом.
 Жунжикиб кечалар
 қолди бир ўзи –
 тун ичра фалакка
 термулди беком
 барг каби сарғайган
 дераза кўзи.

Вох, ана, юлдузлар
 экинлган осмон...
 Юракка... Юракка...
 нурлар таралар:
 фақат Тангри бўлса
 оламга посбон,
 не гўзал дунёлар
 хали яралар.

Ў-хў! не эртақлар
 хазон боғларда!
 Дилларга парвозлар
 улашар бедор...
 Куз эса бу кеча
 ўтди... Тоғлардан
 арчазор оралаб
 келаётир қор.

Қуръони каримда зикри келган пайғамбарлар номи билан боғлиқ бир қанча маскан ва зиёратгоҳлар юртимизда ҳам бор. Пайғамбарларнинг ушбу маконларга келгани ёки дафн этилгани ҳақида аниқ далил-ҳужжатлар йўқ. Аммо халқ орасида бу жойлар қадимдан пайғамбарларга нисбат бериб келинган. Журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб шундай рамзий масканлар ҳақида айрим маълумотлар билан таништириб борамиз.

ПАЙҒАМБАРЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖОЙЛАР

ЧАШМАИ АЙЮБ

Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғида ҳазрати Айюб (алайҳиссалом) номи билан аталувчи меъморий ёдгорлик, қабр ва қудуқ бор. Халқ қудуқни "Айюб булоғи" (Чашмаи Айюб) деб атади. Ушбу қудуқ таниқли му-



ҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Сулаймон ибн Комил Бухорий Варроқнинг (вафоти милодий 1122 йил) "Бухоро тарихи" китобида "Биҳишт булоғидан бир булоқ оқади", деб таърифланган. Бу ердаги биноларни 1379 йили соҳибқирон Амир Темур ва қоракхонийлар ҳукмдори Шайбонийхон тиклатган, деган фикрлар бор.

"Тарихи Муллазода" асарида: "Айюб (алайҳиссалом) мазори Бухорода деган сўз маълум ва машҳур эса-да, аммо ҳақиқат шулки, Айюбнинг (алайҳиссалом) пок қабри бу ерда мавжуд эмас..." деб таъкидланади. Имом Муҳйиддин Нававийнинг (раҳимахуллоҳ) "Таҳсибул асмоъ вал-луғат" китобида: "Айюб (алайҳиссалом) Ҳевронда (Шомдаги шаҳар) яшаган ва қабри ҳам ўша ердаги Нава қишлоғи яқинида машҳурдир, у ерда мақбара ва масжид бор" ("Тарихи Мулла-

зода", 20-21-бетлар), деб келтирган нақли мўътабардир.

Бухоро вилояти Вобкент тумани Хайриободча қишлоғида ҳам Ҳазрати Айюб номи билан аталувчи зиёратгоҳ бор.

Айюб (алайҳиссалом) Иброҳим (алайҳиссалом) зурриётларидан. Исҳоқнинг (алайҳиссалом) ўғли Айс Исмоилнинг (алайҳиссалом) қизига уйланиб, улардан Айюб (алайҳиссалом) туғилган. У қавмини Иброҳим (алайҳиссалом) дини асосида ягона Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақирган. Айюб пайғамбарнинг Шом тарафда кўп мол-мулки бор, гўзал хотини Раҳмат оқила, покдомон аёл эди. Айюб (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг икки катта имтиҳонига учради: олдин унга оғир дард берилди, кейин бутун мол-мулки қўлдан кетди. Ҳазрати Айюб ҳаммасига сабр қилиб, Аллоҳга шуқр айтаверди, дардига шифо сўради. Дуолари ижобат бўлиб, касали тузалди, йўқолган молларини Аллоҳ зиёдаси билан қайтарди ва унга бир неча фарзанд ато қилди. У қавмига яна йигирма йил пайғамбарлик қилди. Нисо, Анъом, Анбиё ва Сод сураларида Айюб (алайҳиссалом) мусибатлари баён этилиб, унинг сабри бандаларга ибрат ўлароқ мақталган.

"ҲАЗРАТИ ДОВУД"

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Оқсой қишлоғида, Бухоро вилояти Жондор тумани Хўжаҳайрон қишлоғида ва Навоий вилояти Нурота тумани Катта Эж

қишлоғида ҳазрати Довуд (алайҳиссалом) номи билан боғлиқ жойлар бор. Улардан энг машҳур Оқсойдаги зиёратгоҳ. Бу ерда ҳазрати Довуднинг қабри йўқ, аммо қишлоқ яқинидаги горни халқ қадамжой дейди. Горнинг чуқурлиги 18-20 метр чамасида, деворларида темирчиликка хос шакл ва белгилар тасвири бор. Айрим шакллар гор деворига кейинчалик туширилган. Хўжаҳайрон ва Катта Эжда эса ҳазрати Довудга (алайҳиссалом) рамзий қабрлар тикланган.

Довуд (алайҳиссалом) ҳазрати Яъқуб (алайҳиссалом) наслидан. Унга пайғамбарлик ва ҳукмдорлик берилган, тўрт илоҳий китобнинг бири – Забур туширилган. Довуд (алайҳиссалом) Забурни ўқир ва у билан инсонларни Ҳаққа чақирар эди. Аллоҳ таоло ҳазрати Довудга темирни бўйсундириб қўйган, у темирни исталган шаклга кирита олар эди. Қуръони каримда бундай келган: **"Батаҳқиқ, Биз Довудга фазл бердик. "Эй тоғлар, у билан бирга (тасбеҳни) қайтаринг ва қушлар ҳам (дедик). Ва унга темирни юмшоқ қилдик"** (Сабаъ, 10).

Довуд (алайҳиссалом) Бани Исроилга қирқ йил ҳукмдор бўлди, Қуддусни марказ қилди, Ҳалаб ва Арманистонни эгаллади. Милоддан олдинги 1020 йили етмиш ёшида вафот этди.

Суюндик МУСТАҒО

тайёрлади.





ҲАР МУШКУЛИНГ БЎЛҒУСИ ҲАЛ...

Ахлоқ ҳар бир инсоннинг, айна пайтда, оила ва жамиятнинг ҳаёт-мамонт масаласидир. Чунки маънавий камолот ва покиза жамият асоси чиройли ахлоқдир. Ўтган XX аср бошларида ахлоқий масалаларга эътибор кучайган, ҳаёт талаби шундай эди. Абдулла Авлоний асарларидан бирини "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" деб номлади. Шоир Каримбек Камий ижодида ҳам одоб-ахлоқ мавзуи кенг ўрин эгаллади. У шеърларидан бирида:

Азизлик сонмангиз молу насабдур,

Шараф ҳосил этан илму адабдур,

деб ёзди. Бу ўринда "адаб" ахлоқ билан бир хил маънода келган. Яъни, шоир инсонни азиз қилган унинг молу давлати ёки наслу насаби эмас, балки унга чинакам шараф келтирган илми ва адабидир демокчи.

Камийнинг одоб-ахлоққа доир қарашлари маърифатпарварлик руҳидаги шеърларида яққол кўринади. Масалан, шоир бир талабани тенгдошларига ибрат қилиб бундай тавсифлайди:

Фазлу дониш ичра яктойи замон Абдулғаний,

Фазлга бир чаишаву донишга кон Абдулғаний.

Мумтоз адабиётимизда "фазл" дейилса, барча ахлоқий гўзалликлар назарда тутилади. "Дониш" эса билим, маърифат, хикмат маъноларини англатади. Камий миллат фарзандлари фойдали илм ва чиройли хулқ эгаси бўлишлари йўлида жон куйдиради. "Дар таърифу тавсифи илм..." шеърда илм излаганларнинг нафақат маънавий-маърифий, балки ахлоқий тамойиллари ҳам ўз аксини топган.

Бўласан, жоно, жаҳонда бебадал,

Илм сориға агар қилсанг жадал...

Чинда бўлса, илми айла талаб,

Чин ҳадисига қилай десанг амал...

Марду занга илм фарз ўлгонлиги -

Барчага машхур бу ширин масал...

Айла таҳсили улум, эй пок рў,

Шарти Авзам покликдур ҳар маҳал.

Ниши ранжи илм кўргон яхшидур,

Нўш қилмай шарбати қанду асал.

Билдурур сенга ҳалолу ҳам ҳаром,

Илмдин ҳар мушкулнинг бўлғуси ҳал...

Келтуруб илм аҳли одобин бажо,

Боамал бўл, боадаб бўл беҳиял...

Бу мисраларда Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илм олиш ҳақидаги муборак ҳадислари мазмуни мужассамдир.

Камий яна бир шеърда мулла Фозилжон қорига мурожаат этиб: "Бўлуб покизаву ҳам пок ният, ҳамиша жаҳд қилғил илм сори", дея насиҳат қилади. Каримбек Камий наздида илм-маърифатли инсон ваъдасига вафоли, ота-онасини рози қиладиган, ширинсўз бўлиши керак.

Сахийларким, қачон бир ваъда айларлар вафо айлар,

Кудуратли дили бечораларни босафо айлар.

Бамазмуни ҳадиси кудс, бўлғай доҳили жаннат

Ўзидин ота бирла онасин ҳар ким ризо айлар.

Хирад аҳли қатиг сўз бирла қилмас дўстни бегона,

Мулойим сўз-ла тил бегоналарни ошно айлар.

Шоир инсон камолотининг ахлоқий қирраларини шу тарзда гўзал тавсифлайди. Қуйидаги байтда Камий илм изловчилардан бирининг ҳаёси, яхши хулқини улуғлайди:

Ҳаёву ҳусни одобунгдур аҳсан,

Бажодур хулқу ахлоқингни бори.

Бу ўринда ҳаёли мўмин назарда тутилган. Шоир наздида ҳаёсизда имон, имонсизда ҳаё йўқ. Бундай ахлоқий сифатлари йўқ кишининг аҳволи жуда ёмон. "Ҳаёву шарму одобу тавозе, Эмас ҳайвонаким, инсона яхши", дейди шоир. Демак, Камий фикрича, ҳаё инсоннинг бош фазилати, ахлоқининг олий беагадир. Ҳаё замирида эса имон-эътиқод ётади. Имон-эътиқоди бутун одам ҳаёли бўлади. Мукамал имон-эътиқод, холис тоат-ибодат инсоннинг зехн кўзгусига жило, кўнгил ойнасига софлик бахш этади:

Кўзгуйи зехним жило, кўнглим сафо топсун десанг,

Ботаҳорат, тақвою тоат-ибодат бирла бўл.

Хуллас, Камийнинг инсон ахлоқи ва маънавияти борасидаги талаблари мана шундай юксак. Шоир янги-янги насларнинг имон-эътиқодли, одобли, ҳаёли, камтар, ваъдага вафоли, ота-онани рози қилувчи инсонлар бўлиб улғайишини орзу этган эди.

Олим ОЛТИНБЕК,

ЎЗМУ ўқитувчиси



Яқинда “Фан ва технология” нашриёти Махмуд Ҳасанийнинг “Обихаёт томчилари” номли китобини чоп эттирди. Олим отаси Махдум Восилий ва атрофидаги кишилар ҳаётидан ибратли воқеаларни ҳикоя қилади. Ҳар бир ҳикояни ҳикматли тўртликлари билан якунлаб, янада мароқли қилишга интилади. Китобдаги бош мавзу одоб-ахлоқ масалаласидир. Кўйида китобдан айрим ҳикояларни эътиборингизга ҳавола этаемиз.



ВАҚТ ҚАДРИ

Отам вақтни жуда қадрлардилар. Умрларининг охирида китоб ёзишга берилиб кетиб, бекорчи одамлардан безиллаб қолган эдилар. Кўп вақтим беҳуда кетди, деб афсус чекардилар.

*Дунё аро тиғиз нарса
вақтингдир,
Алдаб ўтар физ-физ нарса
вақтингдир.
Ҳаётингдат азиз нарсалар
кўп-у,
Ҳаммасидан азиз нарса
вақтингдир.*

Улар бизга: “Вақт қиличдир. Ундан унумли фойлаланмоқ умр саройини фойда ва савобга тўлдирмоқдир”, дер эдилар.

Отамни кўпинча ҳар хил маросимларга таклиф қилишарди. Отам маълум соатни белгилар ва ўша соатга шай бўлиб турардилар. Ўн-ўн беш дақиқа кутар-

дилар, бордию машина бундан кеч қолса, ҳайдовчига қаттиқ танбеҳ берардилар. Улар бировни кутаётган бўлсалар, келишилган соатда барча ишларни йиғиштириб, кўчага мунтазир бўлиб ўтирадилар. Атрофидагилардан ҳам вақтга риоя қилишни қаттиқ талаб қилардилар.

*Хотиранг тилиннга ҳикоя
бергай,
Асабинг таниннга ҳимоя
бергай.
Вақтингни шу қадар ғанимат
билки,
Лаҳзалар умрингга ниҳоя
бергай.*

САҲИЙЛИК БЕЛГИСИ

Ҳадисларда: “Ёлғиз овқат егучига Шайтон шерик бўлади” дейилади. Бу ҳадисни отам бизларга кўп гапирардилар. Жиянларим, қиблагоҳимнинг олдиларига кириб турадиган ёшлар, ҳамсуҳбат бўлувчи кексалар ҳам бу ҳадисни у кишидан кўп марта эшитган эдилар.

*Ёлғиз еса ҳар ким Шайтон
шерикдир,
Шайтон бирга ейди, ҳар он
шерикдир.
Ўзга билан уни баҳам кўрса
ким,
Жаннатда ҳур ила ғилмон
шерикдир.*

Овқатни ёлғиз тановул қилиш, бошқа томондан, очкўз-

лик белгиси ҳамдир. Хасис ва очкўз одам ўз улушига бошқаларнинг шерик бўлишини ҳечқачон хоҳламайди. Ўз насибасини бошқалар билан баҳам кўриш саҳийлик ва олижанобликнинг ифодасидир.

Отам: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар, бир кишининг овқати икки кишига, икки кишиники тўрт кишига, тўрт кишиники саккиз кишига етади...”, дер эдилар.

Демак, овқатда бахиллик қилиш ҳадисга тескари иш тутишдир.

Қиблагоҳимга марҳума онам Биби Ҳамида ширин овқат тайёрлаб, ёзиб-чизиб ўтирадиган хоналарига келтириб берар, бу овқатни ўзингиз енг, атайлабдан ширин қилиб тайёрладим, дердилар. Дадам, “хўп” деб кўйиб, кимдир келишини кутиб ўтирардилар. Ҳеч ким келмаса, кўчага чиқиб, кўзга кўринган кўшнилардан бирини чақириб кирар ва у билан бирга ердилар. Кўчада ҳам ҳеч ким бўлмаса, аста-аста юриб бориб, кўшнимиз Қирғизвой акани чақириб келиб, у билан бирга ердилар. Бунини кўрган кўшнилар ҳам уйдан ўз улушларини кўтариб чиқиб, қиблагоҳим билан бирга баҳам кўрардилар.

*Овқатнинг лаззати бирга
ейишда,
Одамнинг иззати бирга
ейишда.
Савобу барака ҳамда ризоий
“Ва Роббул Иззати” бирга
ейишда.*





*Мен севгимни бир кунга сиздиролмайман...
Отамни, онамни, умр йўлдошимни, фарзандларимни, бошқа яқинларимни, Ватанимни, табиатни... яхши кўраман. Уларнинг ҳар бири учун кун ажратиладиган қандай севги бор экан, бир кунга сизга...*

СЕВМОҚ УЧУН...

Яқинларимдан қийматли совғалар кутмайман. Чунки бу туйғуни ўлчаётганим бу оламда бирор моддий нарса борлигини билмайман. Мен учун гулзордан узилган бир дона гул, рўмолча, бир мактуб, биргина табассум ёки бир оғиз ширин сўз ҳар қимматбаҳо совғалардан кўп қиймат ифода этади...

Ота-онамни ҳар доим яхши кўраман. Кўнгилларини олишга ҳаракат қиламан. Уларнинг ҳолини билиш, хотирини қилиш, ҳадялар улашиш учун махсус кунни кутмайман...

Турмуш ўртоғим билан муносабатларим борасида ҳам айни шундай йўл тутаман. Ҳар дамимиз биз учун махсус. Буни кўрсатиш учун 364 кунни кутишнинг кераги йўқ...

Фарзандимга меҳрим ҳар он бор. Уларнинг ардоғи қалбимнинг кўрида. Туғилгани, фарзандим экани мен учун туганмас бахт.

Яқинларимга бўлган севгимни бир кунга қамамайман. Уларга муҳаббатимни ифода этиш хизматини қимматбаҳо совғаларга юкламайман.

Аллоҳга ҳисобсиз шуқр, Ватаним бор! Тупроғини ҳидлаб, сувини ичиб, ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб яшайман. Унга севгим ҳар доим жўш уради. Буни оламга жар солишни бир кунга тақамайман...

Сизга бутун самимиятим билан шуни айта оламан, ота-онамдан, умр йўлдошимдан, фарзандларимдан, яқинларимдан, Ватанимдан янада қимматли нима бор!..


ФОТИМА

"АТТАНГ ОЙИ"

Ноябр. Кузнинг этаги. Бу ойни халқ "аттанг ойи" деб ҳам атайди. Ноябр кириши билан чўпон сурувни кўрага қамаб, қишга ғамлаган ғарамини бузади. Дехқон ҳам дўпписини токчага қўйиб, сандалга чўғ ташлайди. Шу ойгача режалашти-

рилган, аммо амалга ошмай қолган ишлар эсланса, "аттанг" дейилади.

Умр ҳам йил фаслларидек. Унинг ҳам баҳори, ёзи, кузи, қиши бор. Битта фарқи — умр фасллари такрорланмайди. Баъзан яхши ишларни ўзимизча умрнинг кузига қолдираемиз. Гўё бу фаслда барига улгуришимиз тайиндай... Аммо куз қандай келади? Бизга "ноябр" насиб қиладими, йўқми — ёлғиз Яратганга аён. Ўшанда аттанг деб қолмаслик учун яхшиликлар, эзгу амалларни кўпайтиришга шошилайлик.



УМР ДОВОНИ

Тун. Машина елдек учиб боряпти. Довоннинг паст-баланд йўллари, тик жарликлари юракка кўрқув солади. Ҳайдовчининг:

— Ойнани очсам майлими, ука? Кўзим юмилиб кетяпти, бугун иккинчи марта қатнашим... — дегани кўнгилга баттар ғулғула солади.

— Майли, — дейман.

— "Нексия"ни ижарага олганман. Шундай қилмасам, ижара пули чиқмайди-да, — дейди яна Ҳайдовчи иккинчи марта қайтишини изоҳлаб.

Омонат берилган жонини минг хатарга қўйиб, машинанинг пулини чиқариш учун Ҳайдовчи доводда жарлик ёқалаб учиб боряпти. Гўё тириклик чегараси шу, унинг бир лаҳза кўзи илинса, бас. У рўл чамбарагини чалиб, қўшиқ айтади. Ухлаб қолмаслик учун ўзини ҳар қўйга солади. Ёши эллиқдан ошган бу одам доводдан ошиб, насиб қилса, манзилига этади ва эртага яна ортига қайтади. Аммо у ўзи сезмаган ҳолда ошаётган умр довоининг моҳиятини англаб ета олармикан?

Ойнадан ноябрнинг совуқ ҳавоси киради...

Муҳаммад СИДДИК



Баҳоуддин Султон ВАЛАД*

НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ УЛУҒЛИК КЕЛТИРАДИ

"Аллоҳ учун тавозели (камтар) бўлган кишини Аллоҳ юксалтиради" (*ҳадис*).

Аллоҳ учун бошқаларга тавозели бўлиш, ҳақиқатда Аллоҳга тавозе кўрсатишдир. Киши қанча камтар бўлса, қадрли шунча юксалади. Тавозе кишининг билимлари ойнасидир. Тавозелик билан мўмин ўзининг қадрли эканини кўрсатади. Чунки "Мўмин яхши-ёмонни фарқловчи фаросат эгаси бўлади".

Назм:

Куюшни мақтаган ўзини мақтабди.

Зеро, бу: "Менинг икки кўзим бор ва кўзларимда касаллик йўқ", демакдир.

Куюшни ёмонлаш ўзини ёмонлашдир.

Бу эса: "Менинг кўзим кўр", демакдир.

Тавозе, камтарлик дунё учун эмас, Аллоҳ учун бўлса, эзуликка хизмат қилса, Аллоҳ у бандасининг даражасини, мартабасини баланд қилади. Аммо дунё учун тавозе кўрсатса, мартабадан маҳрум қолади.

Агар Аллоҳ учун тавозели бўлсанг, мақбул, қийматли ва қудратли бўласан. Фиръавн Мусога (алайҳиссалом) тавозе кўрсатса эди, Аллоҳ наздида пайғамбарлар, авлиёлар билан бир хил даражада бўларди. Унга берилган мулк-мартабани Аллоҳ учун фидо этсайди, олий манзил топарди.

Барча тавозе ва хизматларни йўқлик ва нафсни жиловлаш билан Аллоҳ учун бажариш керак, то бир қиймати бўлсин, қабул этилсин. Инсонлар олдида иззат-нафсингни синдирсанг, сени тоблашади ва мисдек вужудингни кимё назарлари ила олтинга айлантиради.

Уйлардаги ва саройлардаги нур (ёруғлик) қуёш ёғдусидан экани шубҳасиз. Аллоҳ таоло бу оят билан ўз севгисининг илдамлигини зикр этди. Яъни, "Олдин Мен сизни севаман ва Менинг севгимдан сиз Мени севарсиз. Менинг севгим сизнинг кўзингизда порлаган қуёш кабилар. Сизнинг севгингиз бу қуёшнинг шуъласи-

дир". Шу сабабли тавозе ва хизматни Аллоҳнинг суюкли бандаларига, яхши инсонларга қилиш керак. Чунки Куръонда: «**Қувват фақат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўмин инсонларникидир**» (*Мунофиқун, 8*), деб марҳамат қилинган.

Камтар одам ҳўл новда кабилар. Уни пастга қараб тортсанг, синмайди. Кибрли инсон эса куруқ шохга ўхшайди, пастга тортсанг, дарҳол синади. Баъзилар: "Куруқ шохнинг синишини кўрмоқдамиз ва тушунамиз. Инсоннинг синишини қандай тушунса бўлади? Буни қандай би-лиш мумкин?" деб сўрашади.

Жавоб тариқасида айтамыз: "Инсон тавозе ва камтарлик қилганида дили яйраб, роҳатланади. Бу ҳаракатидан хурсанд ва бахтиёр бўлади. Мана шу унинг энг ёрқин далилидир". Кишининг табиатида тавозе бўлмаса, кимгадир озроқ бўйин эгса ё бировларнинг қўл остида бўлса, кўнгли безовталанади. Доимо пушаймонлик ичра юради. "Нега шундай қилдим?!" дея ич-этини ейди. "Эвоҳ! Ўзимни нега хорладим, нега? Ўз мавқе ва қийматимни елга совурдим. Бундан кейин инсонлар менга ҳақорат кўзи билан қарашади" каби ўй-фикрлар азоби ичида яшайди. Шундан ҳам кўриниб турибди, тавозедан шу даражада ранжиган. Бу ҳол қуриган шохнинг синишига ўхшайди. Ақлли одам мартабанинг меҳнат-ғайрат билангина эмас, камтарлик, саховат каби фазилатлар туфайли ҳосил бўлишини билади.

Фиръавндан ҳам баланд мартабали одам бўлиши мумкин эмасди, гўё. Аммо Аллоҳ хоҳламагани учун уни бутун олчоқ ва эътиборсизлардан ҳам тубан этди ва қиёматга қадар лаънатга нишон қилди. Ким фақат ўз улуғлигини истаса, тубан ва обрў-эътиборсиз бўлади. Ким Аллоҳнинг улуғлигини хоҳласа, Унинг қудратини намоён қилиш билан машғул бўлади.

Пайғамбарлар ва валийларнинг номи қиёматга қадар азиз қолади. Улар бу оламда ва у оламда "менлик"ларидан қутулдилар ва бунга муқобил ажиб бир "менлик" топдилар, тоат-ибодатда холис бўлиб, сўнгсиз бир ҳаётга эришдилар. Бир инсон нима сабабдан бу дунё учун бу

*Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўғли Баҳоуддин Султон Валад (мил. 1226-1294 йиллар) "Девон", "Маснавиёт", "Ибтидонома" каби асарлар муаллифидир. Ушбу мақола унинг "Маърифатнома" асаридан қисқартириб олинди.





хатарли чўлларни босиб ўтади, йўл қийинчиликларига, иссиқ-совуққа, ёр-дўстларининг айрилиғига бардош беради? Булардан мақсади манфаатини ортиғи билан таъминлашдир. Мард бўлинг, шайтоннинг сўзига қулоқ солманг, унинг хийлаларига алданиб қолманг. Чунки у сизнинг аслингиз бўлмиш Одамнинг душмани эди ва Одамга сажда қилмагани, саркашлиги боис энг юксак осмондан ернинг қаърига тушиб, лаънатланди ва хузуримдан қувилди. Шайтон:



"Мени даргоҳингдан Одам туфайли қувдинг. Унинг болаларини йўлидан адаштираман ва Сенинг хузурингдан узоқлаштираман, Сенинг ваъдаларингни қабул этишларига имконият бермайман. Уларни мансаб-мавқе, мол, турли-турли тотли овқатлар билан алдайман. Чиройли аёллар орқали уларни шахватга ғарқ қиламан ва Сени эслашларига мажол қолдирмайман", каби сўзлар билан иддао этди. Унга: "Сенинг сўзингга қулоқ солган ва сенга эргашган кимса сен борадиган жойга боражак", деб жавоб берилди.

Аллоҳ таолонинг Одамга ва ўғилларига лутф-марҳамати, инояти мўл. Шу сабабдан улар қиёмат куни: "Биз иблиснинг ишларини ва хийла, сохтачиликларини билмаган эдик ва унинг кирди-корларидан хабарсиз эдик" демасинлар, баҳона тўқимасинлар, дея Иблиснинг сўзларини, хийла ва сеҳрларини турли-турли тилларда шарҳ этишлари ва билдиришлари учун шунча кўп пайғамбарларни, валий зотларни юборди.

Улуғлар хизматида иззат-нафсини синдирган ва зулми, кибрни, манманликни ташлаган кимса Аллоҳнинг иноятига сазовор бўлибди. Бу хусусда қудсий ҳадисда "Мен қалби синиқлар билан биргаман", дейилади. Қалб поклиги Аллоҳга яқин бўлиш сабабидир. Мустафо (алайҳиссалом) ҳаммадан ҳам мутавозе ва камтар бўлганларидан у зотнинг Аллоҳга яқинлиги яна-да кўп бўлди.

Бир куни саҳобалар айтишди: "Сиз "Бирор пайғамбарни мени ранжитишгани каби ранжитишмаган", дедингиз. Дуо қилинг, бу густоҳ ва одобсиз қавм ҳалокатга учрасин..."

Бу сўзларни эшитган Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилдилар:

— Эй саҳобаларим! Қани энди қўлларингни кўтаринглар, дуо қилайин. — Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) дуо учун қўлларини кўтардилар ва дуо қилдилар: — "Эй Раббим. Уларга тўғри

йўл кўрсат ва уларни огоҳ эт, афв айла. Чунки улар билмайдилар, хабарсиздирлар".

Саҳобалар:

— Биз баддуо қилинг деяпмиз, Сиз эса уларни яхши дуо қилмоқдасиз, — дейишди. Шунда: «**Сиз буюк хулқ эгасисиз**» (Қалам, 4), ояти тушди.

Мустафо (алайҳиссалом) ҳаммасидан-да тавозели бўлганлари ва "менлик"ларини (нафсни) енгганлари боис, шубҳасиз, янада бардошли, янада сабрли, янада шафқат-марҳаматли эдилар.

«(Эй Муҳаммад!) **Биз Сизни (бутун) оламларга раҳмат қилиб юбордик**» (Анбиё, 107).

Бир устоз санъатида пешқадам, энг моҳир бўлганида: "Бу санъат унда такомилига етди", дейилади. Яъни, ўша санъатни ҳеч ким у билганчалик билмайди. Худди шунга ўхшаш, унинг илмига, маҳоратига ва санъатига ворис бўлган шогирдлари, жони ва қўнглининг фарзандлари ҳам айни даража ва қийматда бўлишади. Шу сабабдан Мусо (алайҳиссалом): "Қошки мен Муҳаммаднинг умматидан бўлсайдим!" деган эдилар. У зотнинг бу истакдан мақсадлари — шунчаки бир уммат эмас, қалбида Муҳаммад пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) нурлари бор бўлган ва у зотнинг муборак суннатларини мукамал ўрганган бир уммат бўлиш эди.

Улуғларни эъзозлаш, нафсни синдириш ила улуғлик, рутба қўлга киритиш яхшидир. Инсоннинг тик туриши бир жиҳати билан яъни, ундан сажда ҳосил бўлиши учун ҳам яхшидир. Сажда қиём ва қаъдасиз қандай ҳосил бўлади? Шунга ўхшаб, инсонда тўғрилиқ, улуғлик ва буюклик бўлмаса, тавозе қандай кўринсин? Ўзингни Аллоҳ йўлида қанчалар кичик тутсанг, шу даражада улуғ бўласан ва илгарилайсан.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади.



ИНТЕРНЕТДАН КИМ КЎП ФОЙДАЛАНАДИ?

Қирқ олти мамлакатда эллик минг кишидан сўронома олган “TNS” тадқиқот компанияси мутахассислари Яқин Шарқдаги, шунингдек, Хитойдаги интернетдан фойдаланувчилар бу борада ривожланган мамлакатлар аҳолисида

ўзиб кетишди, деган хулоса чиқаришди. Сўровлар натижасига кўра, Миср ва Саудия Арабистонининг эллик беш фоиз аҳолиси “интернетга кўмилиб яшайди”. Бирорта Оврупа мамлакати ўнталик рўйхатга кира олмайди. Ривожланган мамлакатлар аҳолиси интернетда асосан дўстлари билан суҳбатлашади. Жанубий Америка, Яқин Шарқ ва Хитойда эса фойдаланувчилар ҳафтада беш соатдан кўп вақтини ижтимоий тармоқ сайтларида ўтказишади. Қолган тўрт соат эса электрон почта орқали хат жўнатишга сарфланади. Ривожланган мамлакатларда, аксинча, асо-

сий эътибор электрон почта орқали мулоқотга қаратилади. Ижтимоий тармоқдан энг кўп фойдаланганлар малайзияликлардир. Ҳар бир фойдаланувчининг ўртача икки юз ўттиздан кўп “интернет дўсти” бор. Малайзияликлардан кейинги ўринни Бразилия аҳолиси эгаллаб турибди.



Бошқа хонадонга келин бўлиш, шарт-шароитига кўникиш осон кечмайди. Мен ота-онамнинг эрка қизи бўлиб, рўзғор ишларига ҳам анчайин нўноқ эдим.

АЯМНИНГ ЎГИТИ

Аям тўй куни ҳам шунинг ташвишида нуқул: “Қизим, кўлингдан тузукроқ иш келмайди, ҳеч бўлмаса, ширин тилли бўл. Ширин сўз билан ҳаммасини ўрганиб кетасан...” дер эди. Тўғриси, ўшанда аямнинг бу гаплари ғашимга тегарди.

Аям бекорга жон куйдирмаган экан. Тушган жойимда бекалар чаққон, хушмуомалали эди. Хонадон эгаларининг кўнгиллари олиш, уларга ёқадиган ишни, овқатни қилиш қийин бўлди. Аямнинг ширин сўз билан ҳаммасини ўрганиб кетасан, деган ўгитларини амал қилиб, унчамунча қийинчиликларни яхши гап билан енгдим. Ширин овқатлар пиширишни ҳам ўргандим. Худога шукр, ҳозир мен ҳам бу хонадоннинг суюкли бекаларидан бириман...

ГУЛШАН,

Анджон тумани

Обуна – 2011

Мухтарам ўқувчилар!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари – “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетасига, уларнинг қорақалпоқча иловалари – “Ҳидоят”, “Ислам нури”га 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Республикамизнинг барча алоқа бўлимларида ва ўзингизга яқин масжидларда обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичлари: “Ҳидоят” – 1034, 1051; қорақалпоқча илова – 1035; “Ислом нури” (қорақалпоқча илова) – 195.

